ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

ÖZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН НАШР ЭТИЛА БОШЛАГАН

1997 йил

ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

26 сентябр, № 39 (3514)

ҲАМКОРЛИК РИШТАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

***Мустақиллик шарофати** билан Ўзбекистон жаҳонга юз тутмоқда. У нафақат Ўрта Осиё давлатлари, балки хорижий минтақа давлатлари билан маданий, иқтисодий, сиёсий соҳаларда жиддий алоқалар ўрната бошлади. Тошкентда бўлиб ўтаётган Япония маданияти кунлари ҳамда ноябр ойида Германияда ўтадиган Ўзбекистон маданияти кунларининг якунловчи бочқичи бунинг ёрқин мисоли бўлади.*

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг Халқаро бўлими бошлиғи Ширин КАРИМОВА қуйидагиларни сўзлаб берди.

— Инсон манфаатлари йили муносабати билан Ўзбекистонда ўтказилаётган Япония маданияти кунлари байрамга айланиб кетди. Кунчиқар мамлакат Японияннинг бой маданий мероси, театр, кино, рассомчилик соҳасидаги чиқишлари халқимизни бағоят хушнуд этди. Санъат музейида Япон рассомларининг шу мамлакат тарихини акс эттирган асарлари кўргазмаси намойиш этиляпти. Кўргазма биринчи октябргача давом этади. Бундан ташқари, Киночилар уйида ҳар куни Япония режиссёрларининг энг сара асарлари намойиши бўлиб ўтаяпти. Япон кино санъати усталарининг маҳорати бутун дунёда машҳур. Чунки жуда кўпчилик уларнинг филмларини севиб томоша қилади. Ушбу тадбир доирасидаги энг муҳим воқеалардан яна бири Ўзбекистонда Япония боғини ташкил этиш борасида имзоланган битим бўлди. Бу боғга асос ҳам солинди.

Худди шунга ўхшаш ноябр ойида Германияда Ўзбекистон маданияти кунларининг якунловчи босқичини ўтказишга қизғин тайёргарлик кўриляпти. Германияга Ватанимиз кино ижодкорлари энг яхши филмлари, концерт гуруҳлари эса гўзал дастурлари билан борадилар. Шунингдек, таниқли шоирлар, рассомлар, ҳунармандлар ҳам ўз асарлари, ижод намуналари билан тадбирда қатнашадилар.

12 ноябрдан 25 ноябргача давом этадиган бу тадбирда Берлин университети тингловчилари билан биргаликда «XX аср ўзбек поэзияси ва Чўлпон лирикаси» мавзуида катта давра суҳбати ўтказишга тайёргарлик кўриляпти. Германия кинотеатларида «Шум бола», «Унутилган қўшиқ», «Қора кул» каби ўзбек филмлари намойиши бўлади. Шу билан бирга, «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси санъаткорларининг чиқишлари, рассомларимиз, шоир ва ёзувчиларимизнинг асарлари кўргазмасини ўтказиш ҳам режалаштирилмоқда. Бу тадбирларнинг барчаси жаҳон халқларини яқинлаштирибгина қолмай, бир-бирларининг бой маданий мероси, тарихини билишда, қолаверса, ўзаро тажриба алмашиб, тараққий этишида катта мактаб вазифасини ўтайди.

Дилфуза НОРМУРОДОВА
ёзиб олди

ЯПОНИЯДАН МАКТУБ

Шу йил май-июн ойида Японияда ўтган «Буюк Ипак йўли бўйлаб мусиқали саёҳат» деб номланган концертда республикамизнинг «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси санъаткорлари ҳам иштирок этгандилар.

Яқинда бирлашма раҳбари Анор Назаров номига Японияннинг «Мин-он» мусиқа ассоциацияси ижрочи директори Чиаки Оганадан миннатдорлик мактуби келди. Унда, жумладан, қуйидаги сатрларни ўқиш мумкин:«Мин-Он» мусиқа ассоциацияси шу йилнинг май-июн ойларида Японияда ўтган «Буюк Ипак йўли бўйлаб мусиқали саёҳат» деб номланган концертда муваффақиятли иштирок этганингиз учун Сизларга чуқур миннатдорчилик билдиради.

Шуни мамнуният билан маълум қиламизки, ғаройиб созлар жўрлигидаги жарангдор ўзбек қўшиқлари ва гўзал рақслари япон томошабинлари қалбида чуқур из қолдирди ва уларга завқ-шавқ бахш этди.

Шунингдек, ассоциациямизнинг якунловчи концертига уч мамлакат — Ўзбекистон, Туркия ва Хитой (Синзян Уйғур автоном республикаси) созандалари қатнашди ва ўринли танланганини қайд этиб, бунда ўзбек ансамбли раҳбари Санжар Зиёмовнинг хизматларини алоҳида таъкидлаймиз.

Биз бундан буён ҳам мамлакатингиз мусиқа намояндалари билан яқин ҳамкорлик муносабатлари ўрнатиш ниятидамиз.

Чет эл сафарида бўлганим туфайли миннатдорлик мактубини кечикиб ёзаётганим учун узр сурайман.

...«Мин-Он» ассоциацияси Сизнинг мамлакатингизга ва «Ўзбекнаво» бирлашмасига чин қалбдан муваффақият ва бахт тилайди».

Бизнингча, бундай мактублар республикамиз санъат аҳлини янги ижодий изланишлар ва парвозлар сари илҳомлантиради.

ИНДОНЕЗИЯ ТОМОШАБИНЛАРИ ЭЪТИРОФИ

Бир неча йилдан буён Индонезия мамлакатида «Гедунг Кесанян Жакарта» Халқаро фестивали ўтказилади. Бу йил тўртинчи марта ўтказилган мусиқали ва балет театрларининг ушбу фестивалида илк бор ўзбекистонлик санъаткорлар ҳам қатнашдилар.

Индонезия пойтахти Жакартанинг Миллий санъат уйида ўтган бу халқаро анжуманда машҳур пианиночи Адиба Шарипова раҳбарлигидаги «Илҳом» деб номланган гуруҳ иштирок этди. Гуруҳ таркибида А. Шариповадан ташқари Алишер Навоий номидаги Ўзбек давлат академик Катта театри солистлари — Ўзбекистон халқ артисти Замира Давлатмуродова, республикада хизмат кўрсатган артист Владислав Егай, етакчи раққос ва раққосалар Игор Кистанов, Алла Ерилина, Наталья Мирзабекова бор эди. Улар мумтоз балетларидан парчалар ва фортепиано жўрлигидаги якка рақслардан иборат концерт дастурини маҳорат билан намойиш этиб, индонезиялик санъат мухлислари ҳамда мутахассислар олқишига сазовор бўлдилар. Айниқса, «Спартак», «Шопеннома», «Дон Кихот» балетларидан ижро этилган саҳналар, А. Шарипова ижросидаги Лист, Дебюсси, Рахманинов, Шопен асарлари томошабинларда катта таассурот қолдирди.

Ҳамюртларимиз машҳур балерина Фарида Отайс раислик қилган ҳакамлар ҳайъатининг ташаккур ёрлиғини олишга муваффақ бўлдилар.

1 октябр — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни. Бу йил бу кун мамлакатимизда биринчи марта умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланади.

САБОҒИНГИЗ СОҒИНТИРАДИ

Юрак илк титраниб босган остона,
Кўзимда минг ҳадик, минг битта жола,
Ҳануз соғинч ила ёдлангич хона,
Устоз сабоғингиз соғинтиради.
Доскага етмаган жажжи қўлларим,
Билмасликдан қўрққан мунчоқ кўзларим.
Кеч қолсам, ловиллаб кетган юзларим,
Устоз сабоғингиз соғинтиради.
Йўлларни чангитиб, тулпордек учган,
Тўғри йўлни кўриб, лой, тупроқ кечган.
Дўсти ким, душман ким ажратмай қучган,
Устоз, сабоғингиз соғинтиради.

НИЛУФАР

УСТОЗЛАР ҲАҚИДА СЎЗ

Уларни турлича аташ мумкин: ўқитувчи, муаллим, мураббий, мударрис, устоз, домла, зиёкор...

Мақсадлари эса уйғун: поклик, эзгулик, саховат, зиё уруғларини қалбларга қадаш...

«Устоз отангдан улуғ», деган ибора айтилганда, шу жиҳатларга эътибор берилган бўлса ажаб эмас. Фарзандларнинг отаона олдидаги қарзлари адо бўлмаганидек, устозлари қошидаги қарзлари ҳам бисёрдир. Яъни устоз Навоий айтганларидек:

Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф
ўргатмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин
юз ганж ила.

* * *

Жаҳон тараққиётидан маълумки, Ўрта Осиё — илк маданият бешиги бўлган. Мадрасалар — Беклербеги, Кўкалдош, Ҳокимойим, Меҳтаройим, қорихоналар, эски мактаб, кейинчалик, 1890 йилларда тузилган янги усул — жадид мактаблари — булар бари маърифат ўчоғи бўлган.

Истиқлолга эришиб, турмушимиз янгиланиб бораётган паллада илм масканлари янгича номлар билан бойиб бормоқда. Улар: гимназия, коллеж, олийгоҳ ва бошқалар. Улар қандай ном билан аталмасин, умумий бир занжирга боғланган: мактаб — мактабдор — толиб.

Боболаримиз қолдирган мерос — маънавият булоғи. Маънавиятсиз эса келажак йўқ. Президентимиз И.А.Каримовнинг истиқболимиз дастури бўлмиш «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» китобида шундай гаплар бор: «Бирон-бир жамият маънавий имкониятларини, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб, ўз истиқболини тасаввур эта олмайди». Иншооллоҳ, бизда инсоний туйғуларни тарбиялаш учун манбалар тўлиб-тошиб ётибди.

* * *

Ўқитувчи — жамиятнинг катта сиймоси. Исботига ёзувчи Ўткир Хошимовнинг қуйидаги фикрларини келтирмоқчиман: «Мурғак боланинг оппоқ қалб дафтарига инсонлик деган сўзни ўйиб ёзиш ҳуқуқи фақат ўқитувчига берилган».

Янги ўқув йили ҳам бошланиб кетди. Бу йилги байрамларнинг файзи ўзгача.

Республикамиздаги барча мураббий-муаллимларни қутлуғ байрамлари билан қутлаб, уларга билдирадиган дил тилакларимни ушбу мувашшах орқали изҳор этмоқчиман:

Ўқимишли бўлмоқ
сиздан илк талаб,
Қаноатни сиздан
ўргансин матлаб.
Изланиш йўлида асло
толмайсиз,
Тоқатни ўзингизга ошно
этсангиз.
Унумли бўлади сиз
қилган меҳнат,
Вақтдан ютсангиз,
бу катта омад.
Чидам, матонатда
танҳосиз доим,
Иродали, ижодкор, азиз
муаллим.

Гулнора МУҲАММАДЁРОВА,
Олий тоифали ўқитувчи

Инсоннинг маънавий камолатга, юксак маърифатга эришувида ўқитувчиларнинг хизмати катта. Мактаб — илму урфоннинг илк бешиги, уни муаллим тебратади. Дунёдаги барча ихтироларнинг, илмий-ижодий кашфиётларнинг ва маънавий етукларнинг дебочаси ўқитувчиларнинг мурғак шогирдлари қўлларидан ушлаб ёздирган ҳарфлардан бошланади. Ҳарф сўзга, сўз фикрга, фикр тафаккурга айланади. Шунинг учун муаллимлар ва мураббийлар меҳнатининг қадру қиммати бебаҳо эканлиги даҳоларнинг кўнгил изҳорларида ниҳоятда чуқур миннатдорчилик туйғулари ила таърифланади.

Асрлар давомида кўнгилдардан кўнгилларга ўтиб келаётган эҳтиром бугунги мустақиллик замонида янада ёрқин ифодаланмоқда.

Фарғона вилояти Қўқон шаҳридаги 10-ўрта мактаб ўқитувчиси Манзурахон Муродалиеванинг Ўзбекистон Президенти фармонига биноан «Ўзбекистон қаҳрамони» унвони билан мукофотлангани ана шундай эҳтиромдан далолатдир. Ўқитувчилар кунини бу йилдан бошлаб умумхалқ байрами сифатида нишонлашга қарор қилингани эса ҳукуматимизнинг мураббий устозларга кўрсатаётган яна бир иззат-икромидир.

Муаллимлар ва мураббийлар, байрамингиз муборак бўлсин!

Меҳмонимиз

ХУШ КЕЛИБСИЗ, РОБСОН ХОНИМ!

Буюк Британиялик театр ва кино рассоми Мойла Изабелла Робсон хоним тажриба алмашиш ҳамда ўзаро ҳамкорлик қилиш мақсадида Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институтига ташриф буюрди. Дастлабки кунданоқ институт профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан Изабелла хоним ўртасида илиқ дўстона муносабатлар юзага келди.

Рассомнинг олий ўқув юрти устозлари билан ўтказган учрашувида Ўзбекистон Республикаси Бадиий академияси фахрий аъзолари ва академиклар Раҳим Аҳмедов, Неъмат Қўзибоев, Қутлуғ Башаров, Алишер Мирзаев ва бошқалар иштирок этдилар. Улар Робсон хонимни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар. Шунингдек, Буюк Британиялик рассом ўз мамлакатининг санъати янгиликлари, хусусан, театр безак санъати борасида олиб борилаётган ишлар хусусида сўзлаб берди.

Робсон хонимнинг театр-телевидение дастурини бадиий ҳал этиш бўлими талабалари билан ўтказган учрашуви ҳам йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Меҳмон институтда олиб борилаётган ишлар билан қизиқибгина қолмасдан, талабаларга амалий машғулотлар ҳам ўтмоқда.

Шу кунларда театр ўқитувчилари ва талабалари Мойла Изабелла хоним билан ҳамкорликда Англия ва Ўзбекистон санъатини уйғунлаштирган ҳолда театр саҳнаси учун безаклар эскизларини ишламоқдалар. Робсон хоним бу саҳна безакларига мос келадиган саҳна асари ёзиш масъулиятини ўз зиммасига олган.

Бу каби дўстона ҳамкорлик санъатлар уйғунлигини таъминлабгина қолмай, давлатлар ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамловчи восита ҳамдир.

Ф. РАҲИМОВА
Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти илмий ходими

«ЎЗБЕКНАВО» гастрол-концерт бирлашмаси, 1997 йилнинг 14 октябр куни соат 18.00 да «Туркистон» концерт саройида «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси билан ҳамкорликда КАТТА ХАЙРИЯ КОНЦЕРТИ ЎТКАЗАДИ.

Концертда: Ўзбекистон халқ артистлари Ғуломжон ЁҚУБОВ, Фаррух ЗОКИРОВ, Насиба АБДУЛЛАЕВА, Ортиқ ОТАЖОНОВ; Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар: Кумуш РАЗЗОКОВА, Сайёра ҚОЗИЕВА, Азим МУЛЛАХОНОВ, Нодира СУЛТОНОВА, Бахтиёр СУЛТОНОВ ва бошқалар қатнашадилар.

Чипталар «Туркистон» саройининг кассаларида сотилмоқда.

Маълумот учун телефонлар: 44-56-07, 34-99-45.

Пахта-97

ҚЎҚОН ТОМОНЛАРДА

Қўқоннинг қоқ марказида пахта тозалаш заводи бор дейишса ҳар қандай киши ҳайратланиши тайин. Чунки бундай заводларни асосан, пахтакор туманларнинг марказларида, давлат хўжаликлари ҳудудларида кўришга ўрганиб қолганмиз.

Биз ҳам Қўқондай шаҳри азимнинг кўчаларидан бирида улов судраган турнақатор тракторларни кўриб таажжубландик. Билсак, бу ерда пахта заводи бўлиб, тракторлар шу атрофдаги жамоа хўжаликлари ва ширкатлар уюшмаларида етиштирилган янги пахта ҳосилини келтираётган экан. Кеч соат ўн бир бўлиб қолган бўлса-да, заводда иш қайнамоқда. Ишчиларнинг қўли қўлига тегмайди. Иш яхши ташкил қилингани туфайли толани лабораториядан ўтказиш, навини аниқлаш учун ҳам унча кўп вақт сарфланмаяпти.

— Биз асосан Дангара тумани хўжаликларида етиштирилган пахта ҳосилини қабул қилиб оламиз, — дейди завод директори Йигитали Йўлдошев. — Ишни уч сменада ташкил қилганмиз. Мақсадимиз юк билан келган уловларни бир дақиқа ҳам ортиқча ушланиб қолишига йўл қўймаслик. Ахир куз ҳавоси ҳар доим ҳам очиқ бўлавермайди.

Завод кейинги беш кунда Дангара тумани хўжаликларига 15 миллион сўмдан кўпроқ пул ўтказди. Натижада, ҳосил йиғим-теримида сезиларли ўсиш бўлди. Теримчиларга ҳар килограмм пахта учун хўжаликлар 3-3,5 сўмдан ҳақ тўламоқда.

Кеч бўлишига қарамай завод гавжум. Биз бу ерда «Найманча» ширкатлар уюшмасининг раиси Анваржон Мирсодиқовни ҳам учратдик. Уюшма тумандаги илғор хўжаликлардан. Бу йил пахта билан бирга 1465 гектар ерга ғалла экилган эди. Гектаридан 44 центнердан ҳосил олинди. Бу тумандаги энг юқори кўрсаткичдир. Шунинг учун бўлса керак, август ойида уюшмада пахта оралиғида ғалла экиш бўйича республика семинари ўтказилди. Хўжалик тажрибасини ўрганиш учун бутун республикадан ғаллакорлар, мутахассислар, олимлар ташриф буюришди.

— Пахтамиз ҳам чакки эмас, — дейди Анваржон ака. — Бугунгача режанинг салкам эллик фоизини уддалаб қўйдик. Ҳар куни 4 фоиздан ошириб пахта топширяпмиз. Давлатали Ортиқов, Рустам Ботиров, Кабирали Бегматов бошлиқ бригадаларимиз эса йилик режанинг 60-65 фоизини бажардилар. Ҳозиргача ҳосилнинг ҳаммаси биринчи навга қабул қилинмоқда.

— Бу йил сизлар ҳам плёнка тагига пахта экдиларингизми? Самараси қандай бўлди? — сўраймиз раисдан.

— Ҳа, 365 гектар ерга плёнка остига чигит экдик. Натижалар ёмон эмас. Мен плёнка тагига пахта экишнинг бошқа афзаллигини сездим. Бу усулни менимча кўпроқ ёғингарчилик камроқ бўладиган жойларда қўллаш керакка ўхшайди. Чунки ёмғир плёнканинг тегишли жойидан фақат гўза ўсадиган жойга тушар ва намгарчиликнинг узоқ вақт сақланишига ёрдам бераркан.

Қўқон пахта тозалаш заводида иш қизғин. Улов судраган тракторлар бирин-кетин пахтани тўкиб, манзилга қайтмоқда. Лекин навбат кутиб турган тракторлар бир дақиқа бўлса ҳам ўчмайди. Ёнилғи бекорга сарфланмоқда. Йигитали Йўлдошев бундан куюнади: «Хўжаликлар раҳбарларининг ишига ҳам баъзан ҳайрон қоласан. Тракторларнинг деярли ҳаммасида аккумулятор йўқ. Шунинг учун двигателни ишлатиб қўйишади. Ёнилғи бекорга сарфланмоқда. Ваҳоланки, 100 литр солярканинг пулига битта аккумулятор сотиб олиш мумкин».

Йигитали аканинг куюнганича бор. Биз ҳисоблаб кўрсак, завод дарвозаси олдида навбат кутиб турган тракторларнинг салкам 70 фоизи аккумуляторсиз. Афсуски, бундай манзарани бошқа туманларда, вилоятларда ҳам учратиш мумкин.

Республикамиз пахтазорларида терим авж палласига чиқди. Мавсумда данғараликлар ҳам ортда қолаётгани йўқ. Қўқон пахта тозалаш заводида бўлганимизда, туман далаларини айланганимизда, одамлар билан суҳбатлашганимизда бунга яна бир бор амин бўлдик.

М. АБДУЛЛАЕВ,
Б. ЭГАМҚУЛОВ

МАЪНАВИЯТ КЕЧАСИ

Маънавият заҳматкашлари — ёзувчи, шоирлар билан тиббиёт ходимлари меҳнатида умумий яқинлик мавжуд. Бу умумийлик уларнинг инсонга муносабатида кўринади. Табиблар инсон вужудини даволасалар, адиблар унинг кўнглини тозалайдилар, руҳини соғайтирадилар.

Шу маънода соғлом авлодни тарбиялаш учун ҳам табибларнинг, ҳам адибларнинг хизмати муҳим. Зеро, соғлом авлод деганда жисмоний соғломлик билан бирга руҳий соғломлик ҳам назарда тутилади.

Шаҳар Саломатлик марказида ўтказилган маънавиятга бағишланган анжуманда ана шу фикрлар алоҳида таъкидланди.

Анжуманни Саломатлик маркази раҳбари Назира Баҳромова очди. Республика маънавият ва маърифат маркази ходими, «Тафаккур» журнали бош муҳаррири ўринбосари Муртазо Қаршибой «Маънавият нима?», Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги маънавият ва маърифат маркази раҳбари «Тиббиёт ходими маънавияти» мавзуларида маъруза қилдилар. Ёш шоир Рустам Мусулмон янги шеърларидан ўқиди.

Анжуман тиббиёт ходимларида катта қизиқиш уйғотди.

БИЛДИРИШ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва АЛП ЖАМОЛ корпорацияси энг яхши бадиий асарлар учун икки йилда бир марта бериладиган АЛП ЖАМОЛ мукофоти кўрик-танловини эълон қилади.

Муҳтарам адиб ва шоирларимизни ўз асарлари билан танловда иштирок этишга таклиф қиламиз.

Манзилимиз: Мустақиллик майдони (метро бекати),

Жавоҳарлаъл Неру кўчаси, 1-уй.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси.

ПИЛЛА ТИЛЛА БЎЛМАЙ ҚОЛДИМИ?

Ўзбекистон ипакчилик илмий-тадқиқот институти директори, техника фанлари номзоди Шавкат ЙЎЛДОШЕВ билан мулоқот

❖ Пиллани тилла, дейдилар. Яна: «Асл мол ерда ётмас», — дейдилар. Модомики, шундай экан, бизнинг ипагимиз нима учун жаҳон бозорига чиқолмаяпти?

❖ Моддий манфаатдорлик бўлмаган жойда меҳнатга рағбат сўниши тайин гап. Пиллага тўланадиган ҳақ оширилмас ва ўз вақтида берилмас экан, ипак қурти боқувчилар сафи кенгаймайди.

❖ Бошқалар тут ўстиролмай овора, биз эса, борини ҳам йўқ қиляпмиз. Акс ҳолда, атиги беш йил мобайнида 62 миллион тупдан ортиқ якка қатор тутлар ва 1342 гектар тутзор нега қўпориб ташланди?

Янги яратилган ипак қурти зоти ҳаётга «йўлланма» олгунча орадан қанча вақт ўтишини биласизми? Камида 16 йил! Унгача бу дунёда нималар бўлмайди, дейсиз...

— Шавкат ака, суҳбатимиз бошида ўзингиз раҳбарлик қилаётган илмий маскан тарихи ҳақида қисқача тўхталиб ўтсангиз...

— Институтимиз бой тарихга эга. Гарчи бу йил у 70 ёшга тўлган бўлса-да, ишончли манбалар унинг тамал тоши аслида бундан-да олдинроқ қўйилганидан далолат беради. Янаям аниқроғи, институтимизнинг таваллуд топиш даври 1922 йилга бориб тақалади. Негаки, худди ўша кезларда кўҳна Туркистон Худудида биринчилардан бўлиб Тошкент ва Фарғонада ипакчилик илмий станциялари ташкил этилди. Бунинг ўзига хос сабаблари бор: Юртимизда азал-азалдан пилла қурти боқиб келинган. Ота-боболаримиз ипакдан турли хил ноёб матолар тўқиш борасида устаси фаранг бўлганлар. Унинг толасидан зардўзликда ва дўппидўзликда кенг фойдаланганлар.

— Узр, шу ўринда мен ҳам битта қўшимча қилсам. Тарихчи Муҳаммад Наршахийнинг битиб қолдиришича, қадимий Бухоро бир вақтлар ўзининг шойи-атласи билан бутун дунёда шуҳрат қозонган экан. Шаҳарда тўқиладиган асл ипак матонинг нархи бутун бошли туманнинг бир йиллик хирожига тенг келган. Хорижлик савдогарлар ўз юртлари подшолари учун айнан шу матодан сотиб олишга ҳамиша орзуманд бўлганлар. Шунга кўра, уни «Шоҳлар либоси» деб аташган. Ҳатто, узоқ ўтмишда Фарангистон қиролларидан бирининг жасади Бухородан олиб борилган ипак матога ўраб кўмилган экан. Орадан неча замонлар ўтгач, қабрни очиб қарашса, жасад хокитупроққа айланганмишу мато тўқилганида қандай бўлса, шундайлигича ял-ял товланиб турганмиш. Ўша мато, ҳозир билмадиму, лекин яқин-яқингача Санкт-Петербургдаги Эрмитаж осори-атиқахонасида сақланарди. Бундай мисолларни истаганча келтириш мумкин.

— Ҳа, шундай! Ҳарқалай, бизнинг ўлкамиз об-ҳавоси пилла қурти боқиш учун мўътадил ҳисобланади. Буни собиқ иттифоқ раҳбарларию мутахассислари ҳам назардан қочиришмаган. Шу боис кўп ўтмай Тошкент станцияси Ўрта Осиё ипакчилик илмий станциясига айлантирилади. Кейинчалик эса — 1927 йил 15 ноябрда унинг ва «Туркшёлк» ҳиссадорлик жамиятининг маданий ипакчилик бўлими негизида Ўрта Осиё ипакчилик илмий-тадқиқот институти вужудга келади. У тўғридан-тўғри «Туркшёлк» идораси тасарруфига киритилади. Айни чоғда, шу ердаги пилла қурти тухумчилиги заводи ҳамда Жарариқ тут питомниклари ушбу даргоҳ ихтиёрига берилади. Фарғона станцияси унинг минтақавий тармоғи бўлиб қолади.

Институт ўз фаолиятининг илк босқичлариданоқ Қозоғистон ва Ўрта Осиё жумҳориятлари билан ҳамкорликда бажариладиган амалий иш дастурларини ишлаб чиқади. Тутчилик йўналиши бўйича Амалий Ботаника институти ила мустаҳкам алоқа ўрнатади. 50-йиллардан эътиборан нафақат Марказий Осиё, балки бутун собиқ иттифоқда ипакчилик соҳасидаги илмий ишларни мувофиқлаштирувчи, амалий маслаҳатлар берувчи ягона йирик марказга айланади. Институтда ипак қурти генетикаси бўйича ўтказилган фундаментал тадқиқотлар эса дунё миқёсида тан олинади. Бу ерда жаҳон биология фани тарихида биринчилардан бўлиб, хусусан, ипак қурти хромосомалари ва генлари локализациясини ўрганиш орқали ипак қурти жинсини сунъий бошқариш усуллари кашф этилади. Натижада фақат эркак ёки фақат урғочи жинсли пилла қурти авлодини олиш йўлга қўйилади. Бундан ташқари, ипак қурти жинсий хужайраларининг бўлиниш ва отаниш жараёнларини ўзгартириш орқали ипак қуртлари зотларининг маҳсулдорлиги ва серпуштлик хусусиятларини оширишга эришилади.

Умуман айтганда, селекциячиларимиз томонидан ҳозирга қадар 70 дан ортиқ турли хусусиятларга эга зотлар яратилди, дунёнинг турли мамлакатларидан келтирилган ва ўзимизда яратилган ипак қуртининг 180 дан, тутнинг 2000 дан зиёд зот, нав ва дурагайлари хазинаси вужудга келтирилди.

— Институт «таржимаи ҳоли»га назар солсак, у турли йилларда турли ташкилотлар тасарруфида бўлганини кўрамиз. Бугунги кунда эса жумҳурият Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш Маркази ихтиёрида. Албатта, бу мустақиллик йиллари турли жабҳаларда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар шарофатидан. Бироқ, очиғини айтинг-чи, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнидаги мушкулотлар сизларни қийнаб қўймаяптими?

— «Йўқ», десам, ёлғон гапирган бўламан. Ҳар ким ўзидан ўтганни ўзи билади. Қолаверса, ҳозир турли баҳоналарни рўкач қилиб, қўл қовуштириб ўтирадиган замон эмас. Бундан фойда ҳам йўқ, барибир, биров четдан келиб сизнинг оғирингизни енгиллаштириб бермайди. Биз ана шуни тушунган ҳолда иш юритяпмиз, қандай бўлмасин, фаолиятимизни сусайтирмасликка ҳаракат қиляпмиз. Институтимизда 12 та илмий лаборатория ишлаб турибди. Улар тўртта йирик илмий Марказга бирлаштирилган. Жамоамизда жами 185 киши меҳнат қилмоқда. 67 нафар илмий ходимимиздан бештаси фан доктори. 17 таси фан номзодидир. 1992—95 йиллар мобайнида улар томонидан яратилган ипак қуртларининг еттита янги дурагайи давлат синовидан муваффақиятли ўтиб, районлаштириш учун қабул қилинди. Айни пайтларда эса «Баҳор-1» Х «Баҳор-2», «Наврўз-1» Х «Наврўз-2», «Ёзги-1» Х «Ёзги-2» ҳамда фақат эркак жинсли қуртлардан иборат «Турон-1», «Турон-2» дурагайлари давлат синовига топширилган.

Юқорида тилга олинган дурагайларнинг сифат кўрсаткичлари ҳозирга қадар боқиб келинаётган «Тетрагибрид-3» дурагайига нисбатан анча юқори бўлиб, замон талабларига тўлиқ жавоб беради. Олинадиган пилласининг ипакчанлиги 25—26,8 фоизни, толасининг узунлиги 1310—1396 метрни, ингичкалиги эса 2750—3330 м/г ни ташкил этади.

Тут селекциячилари эришаётган ютуқлар ҳам чакки эмас. Аввало, шуни айтиш ўринлики, ҳозир Марказий Осиё ҳудудида ўстирилаётган тут навлари ва дурагайлари, уларни парваришлашнинг агротехник қоидалари, тутзорлар барпо этиш йўл-йўриқлари, ниҳол етиштириш қоидалари аслида бизнинг олимларимиз меҳнатининг самарасидир. Кейинги пайтларда тутнинг улар томонидан яратилган 12 та янги нави ишлаб чиқаришга тавсия этилди. Учтаси эса давлат синовига топширилди. Охирги пайтларда институтининг Жарариқ тажриба хўжалиги ва Жиззах вилоятининг Улуғбек номидаги жамоа хўжалигида салкам 2900 гектар майдонда тутнинг 2000 дан ортиқ нави ва дурагайлари ўстирилмоқда. Улардан ипак қурти учун қўшимча озуқа базаси сифатида фойдаланиш ҳам мумкин. Лекин бизнинг бош вазифамиз тутнинг олимлар ва халқ селекционерлари томонидан яратилган бетакрор навлари ва шаклларини сақлаб қолиш ҳамда келгуси авлодларга етказишдан иборатдир.

Олимларимиз ипак қурти ва тут дарахти касалликлари ҳамда зараркунандаларига қарши кураш чоралари устида ҳам ишлаб, анчайин муваффақиятларга эришмоқдалар.

Маълумки, пилла қурти, бошқа жониворлардан фарқли ўлароқ, ўз тана ҳароратига эга эмас, аксинча, совуқ, қонли ҳашаротлар тоифасига мансуб. Бинобарин, унинг ўсиши, ривожланиши, ипак маҳсулоти бериши кўп жиҳатдан ташқи муҳитга боғлиқ. Олимларимиз ана шуни эътиборга тутиб, пилла қурти боқишда ёшига қараб, ҳаво ҳарорати ва нисбий намлигини таъминлашнинг, озиқлантиришнинг энг самарали йўлларини изладилар. Сўнгра уларни жамлаб, агротехника қоидалари сифатида ишлаб чиқаришга тавсия этдилар. Бу янгиликлар қурт боқиш мавсумини икки марта қисқартиришга ва мўл ҳосил олишга имкон туғдирди.

Институтимизда, шунингдек, бир мавсум давомида кўп марталаб пилла етиштириш, озуқага биостимуляторлар қўшиб бериш, қуртларнинг ривожланишига турли гормонал моддаларнинг, қўшимча ёруғлик ва магнит майдонларининг таъсирини ўрганиш юзасидан тадқиқотлар ўтказилди. Натижада пилла қуртларининг ҳаётчанлиги, ҳосилнинг ипакчанлиги ва чувалачанлиги, тола узунлиги анча ошди.

Ёки бошқа мисолга — пиллага дастлабки ишлов беришнинг янги усулларини яратиш, эскиларини такомиллаштириш борасидаги тадқиқотларимиз натижасига эътибор беринг. Бизнинг амалий таклифларимиз туфайли ишлаб чиқаришда кенг қўлланилаётган «СК-150 К» пилла қуритиш қурилмасининг иш унумдорлиги 200 фоизга оширилди, иссиқлик ва электр энергия сарфи деярли икки ҳиссага камайтирилди. Тармоқда табиий текин манба — қуёш нурлари воситасида пиллага илк ишлов бериш усули ва лаборатория ускунаси яратилди. Етиштирилган ҳосилни қабул қилиш ва дастлабки ишловдан ўтказишнинг, ташиш ва сақлашнинг контейнер усули бўйича берган таклифларимиз ҳам самарзое кетмади. Бу усул Қарши тумани пиллахонасида тажрибадан ўтказилганда, эзилган ва сифати бузилган ҳосил миқдори 21—28 фоизга камайгани маълум бўлди.

— Ҳозирда яхши ниятнинг ўзи ҳам ярим давлат! Бироқ, барибир, ҳозирча аччиқ бир ҳақиқатдан кўз юмиб бўлмайди. Нима демоқчи бўлаётганимни англагандирсиз. Биз бир-вақтлар «Пиллаларимиз тилламиз» деган шиорнома гапни тилдан қўймасдик. Таассуфки, сўнгги вақтларда, менинг назаримда, бу соҳага эътибор бироз сусайгандек. Сўзимни аниқ далиллар асосида исботлашга ҳаракат қиламан. Қаранг, 1992 йили жумҳурият бўйича 33 минг 92 тонна пилла етиштирилган. Ўтган йили эса бу кўрсаткич 21 минг 699 тоннани ташкил этган. Ўзаро қиёслаганда, ялпи ҳосил беш йил мобайнида салкам 35 фоизга камайган...

— Эҳтимол, бунинг учун ортиқча ҳавотирланишнинг ҳожати йўқдир. Чунки шўролар ҳукмронлиги даврида бошқа кўпчилик соҳалар қатори пиллачиликда ҳам асосан миқдор ортидан қувилган. Бозор иқтисодиёти шароитида эса миқдор эмас, сифат олдинги ўринга чиқади.

— Чамамда, сизга фикримни аниқ тушунтиролмадим. Аслида мен ҳам гап оқавасини ана шу мавзуга бурмоқчи эдим. Бугунга келиб ички ва ташқи бозорда жумҳуриятимизда етиштирилган пиллага талаб анча пасайиб кетгани ҳеч кимга сир эмас. Бу ҳолнинг асосий сабаблари нимада — қиймат-баҳо ипак хомашёсига харидор камлигиданми ёки унинг сифати замон талабларига жавоб беролмаётганидами?

— Биринчи навбатда, пилламиз сифатининг бирмунча пастлигида. Бунинг боиси — пилла қуртининг асосий қисми қишлоқ аҳолиси хонадонларида боқилади. Турган гапки, уларда мўътадил ҳароратни ва ҳавонинг нисбий намлигини таъминлаш имкони кам. Оқибатда қуртлар ҳар хил ривожланади, бири катта, бири кичик бўлиб қолади. Ўраган пилласининг маълум қисми эзилиб-пачоқланиб, ифлосланиб, сифатига зарар етади.

— Менимча, шу ўринда пиллакорларнинг моддий манфаатдорлиги масаласини ҳам унутмаслик керак.

— Бўлмасам-чи! Ҳозирча қурт боқувчилар даромадининг пастлиги ва топширилган ҳосил учун тўланиши лозим бўлган ҳақ ўз вақтида берилмаётгани бор гап. Бу пилла етиштирувчилар сони тобора камайиб кетишига сабабчи бўлмоқда. Иккинчидан, жойларда ипак қуртининг 60-йилларда жорий этилган камаҳсул «Тетрагибид-3» дурагайини янги, сермаҳсул дурагайларга алмаштириш пайсалга солинмоқда. Қолаверса, бизда янги зот ва дурагайларни синаш ҳамда ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш ҳамон эскича қолипда. Ишонасизми-ишонмайсизми, ҳозирги тартиб бўйича янги зот яратилганидан то ҳаётга тадбиқ этилгунча орадан 16 йил ўтади. Шундан 3 йили дастлабки синовга, 3 йили институтдаги, 5—6 йили давлат синовига кетади. Кейин ўша зот районлаштиришга лозим топилса, 4 йил уруғи кўпайтирилади. Унгача ҳаётда кўп нарса ўзгариши, ҳатто янги зот ва дурагайни яратган одам ўз меҳнати маҳсули рўёбга чиққанини кўрмай, ҳаётдан ўтиб кетиши мумкин. Учинчидан, жумҳуриятимизда жами 14 та ипак қурти уруғчилиги заводи бор. Улар 350 минг қути қурт уруғи етказиб бериш қувватига эга. Амалда эса 500—550 минг қути тухум тайёрламоқдалар. Бундай зўриқиб ишлаш тайёрланаётган тухумларнинг ирсий ва маҳсулдорлик хусусиятларига салбий таъсир кўрсатмоқда. Тўртинчидан, биласиз, ипак қуртининг асосий ва бирдан-бир озуқаси тут барги ҳисобланади. Афсуски, кейинги пайтларда тут дарахтлари эгасиз қолиб, қаровдан маҳрум бўлди. Устига устак, айрим жойларда тутзорлар ҳар хил баҳоналар билан аёвсиз қўпориб ташланмоқда. Бундай ўйламай иш юритиш оқибатида 1991—1995 йилларда 62 миллион тупдан ортиқ (умумий ҳисобда 30 фоиз) тут дарахтлари ва 1342 гектар тутзор завол топди. Бешинчидан, пиллага дастлабки ишлов бериш жараёнлари ҳали-ҳануз эски технологиялар ёрдамида амалга оширилмоқда. Ҳолбуки, эндиликда замон ўзгарди. Аксарият пиллахоналаримиздаги жиҳоз-ускуналар аллақачонлар ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан эскирди. Ва ниҳоят сўнгги муаммо: жумҳуриятимизда етиштирилган пилла ва пиллачилик маҳсулотлари учун мўлжалланган, жаҳон бозори талаблари даражасидаги стандартлар ҳамда пиллаларни сертификатлаш маркази очилмаган.

Мана, вужудга келган аҳволнинг оқибат-натижалари: бир вақтлар ҳар қути уруғидан 60—68 килограммдан пилла олинган бўлса, эндиликда 50—55 килограммга тушиб қолди. Айни чоғда, 1995—96 йилларда сотилган ҳар килограмм қуруқ пилланинг баҳоси 3—3,2 ипак хом ашёсиники эса 14—18,7 АҚШ долларидан ошмади.

Энди пилламизнинг ички ва ташқи бозоридаги мавқеига эътибор беринг. 1992 йилгача етиштирилган қуруқ пилланинг 85 фоизини ўзимиздаги корхоналар оларди. Ўтган йили бу кўрсаткич 50 фоизга ҳам етмади. Ёки, айтайлик, аввалларги маҳсулотимизнинг тўртдан бир қисми Россия, Украина, Грузия, Молдовага жўнатиларди. Ҳозирда унга Хитой, Жанубий Корея, Япония ҳам харидор бўларди. Ҳозирга келиб транспорт харажатларининг ошганлиги, пилламизнинг сифати пастлиги, сертификатлаш йўлга қўйилмагани боис биз деярли жаҳон бозорида харидорларимизни йўқотдик.

— Камчиликларни эътироф этиш билан иш битмайди, боя ўзингиз тўғри таъкиллаганингиздек, уни тузатиш имконини излаган киши ютади. Хўш, сизнингча, мавжуд муаммоларни бартараф этиш учун қандай ишларни амалга ошириш лозим?

— Аввало, кўп ва сифатли пилла етиштирадиган кишиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш, уларнинг меҳнат ҳақини ўз вақтида бериб бориш, иложи бўлса, турли-туман солиқлардан озод қилиш даркор. Бундан ташқари, пиллакор оилалар мавсум чоғлари яшаб турган уйларини қуртхонага айлантириб, ўзлари азият чекмаслиги учун уларнинг ҳовлиларида бир-икки қути уруғ боқишга мўлжалланган қуртхоналар қуриб бериш ўринлидир. Бу вазифа хўжаликлар зиммасига юклатилса, шу мақсадда уларга молиявий ёрдам кўрсатилса, нур устига нур бўларди. Тут дарахтларини қўпориб ташлашни эса жумҳурият бўйича қатъий таъқиқлаш, айни чоғда, янги, навдор тутзорлар яратишни йўлга қўйиш керак. Бу жиҳатдан тутзорлар ва якка қатор тутлар қаровини деҳқон-фермер хўжаликларига топшириш фойдадан ҳоли эмас, деб ўйлайман. Энг муҳим вазифалардан яна бири — ишлаб чиқаришга ипак қуртининг хорижий зотлар билан бемалол рақобатлаша оладиган «Барака», «Ўзбекистон-5», «Ўзбекистон-6» сингари зот ва дурагайларини тезроқ жорий этиш маъқул. Шу билан бирга, янги зот ва дурагайларни синашнинг ҳамда амалиётга тадбиқ этишнинг мавжуд тартибини тубдан ислоҳ қилиш зарур. Пилла сифатини яхшилаш ва ташқи бозорда рақобатбардошлигини ошириш мақсадида бизнинг институтимиз қошида пиллаларни синаш ва сертификатлаштириш Миллий марказини ташкил этиш ҳам долзарб ва эзгу тадбирлардандир. Ишончим комилки, бу масалалар ижобий ҳал этилса, пилламизнинг сифати кескин яхшиланади, яна ҳақиқий тиллага айланади. Биз ўз маҳсулотимиз билан ташқи бозорга чиқамиз, она юртимиз бойлигига бойлик қўшамиз.

Дарвоқе, мавриди келганда, яна бир орзу-истагимни кўпчилик ихтиёрига ҳавола этмоқчиман. Маълумки, Ўзбекистон шу вақтгача ипакчилик билан шуғулланувчи мамлакатлар уюшмасига аъзо эмас. Агар бу орзу ҳақиқатга айланса, йирик пиллачилик мамлакатлари билан мустаҳкам алоқа боғлашга, соҳага оид маълумотларни олишга, пировардида, пилламизнинг жаҳон бозорида ўз ўрнини эгаллашига имкон туғилади. Негаки, Ўзбекистон келажаги буюк давлат, ҳатто, ипаклари ҳам тилло юрт!

Суҳбатдош Абдунаби ҲАЙДАРОВ

Муҳайё, Сурайё, Раъно, Муқаддас, Кўзимни яшнатиб кийибсиз атлас.

Амир Умархон таваллудининг 210 йиллиги

ОЛИМХОННИНГ ҚОТИЛИ КИМЛАР ЭДИ?

Халқимизга, келажак авлодга миллий қадриятларимизни, маънавий меросимизни тиклаб етказиб бериш бугун зиёлилар олдида турган энг муҳим вазифадир. Жумладан, бу масъулиятли юмушнинг катта ҳиссаси адабиётшуносликнинг ҳам зиммасига тушади. Буни тўғри ҳис қилмоқ, қўл урилаётган ишга ўта эҳтиёткорлик ва холислик билан ёндошмоқ зарур. Демоқчиманки, шуро давридаги адабиётшуносликнинг улкан ишларини назардан қочирмаган ҳолда танқидий ўрганиш, уни тўғри йўналишга буриб давом эттириш, нуқсонларини тузатиш йўлидан бориш керак.

Зеро, истибдод даврида аксарият олимларимиз сиртдан унинг тартибларига бўйсунган бўлсаларда, қалбан миллий меросимизга муҳаббат билан ёндошдилар ва уни қайси йўл билан бўлмасин халққа етказишга ҳаракат қилдилар. Шу уринишларнинг натижаси ўлароқ, «камбағаллар тоифаси»га мансуб бўлмаган ижодкорларнинг асарларидан ҳам оз бўлса-да баҳраманд бўлдик. Шулардан бири Қўқон хони шоир Амирий (Умархон) эди.

Гарчи «сарой адабиёти вакили» тамғаси босилган бўлса-да, В. Абдуллаев, В.Зоҳидов, М. Қодирова сингари олимларимиз Амирий асарларини ўқувчиларга етказишга уриндилар. Айниқса, академик А.Қаюмов ўз асарларида Амирийнинг катта талант соҳиби эканлигини қайта-қайта айтиб ўтди. Бу ўз даврида улкан жасорат эди, албатта.

Аммо коммунистик мафкура барибир ўз таъсирини ўтказди, бунинг учун у ҳар қандай йўл тутишга тайёр эди. Оқибатда дарсликларда Амир Умархонни акаси Амир Олимхоннинг қотили сифатида баҳоланди. Аммо ростдан ҳам у акасининг қотилимиди?

Маълумки, Амир Олимхон ўз ҳукмронлиги даврида ички аҳволга эътиборни сусайтириб юборган ва хонлик ҳудудини кенгайтириш ҳақида кўпроқ бош қотирган эди. Бу билан балки уни айблаб бўлмас. У отаси Норбўтахоннинг кенг миқёсдаги ислоҳотлари натижа бермаганлигини кўриб, Мовароуннаҳр ҳудудида ягона марказлашган давлат бўлмаса аҳвол яхшиланмаслигини сезгандир балки. Бироқ нима бўлганда ҳам, Олимхоннинг сиёсати на халққа, на амалдорларга маъқул келди. Айниқса, қўшинлар кетма-кет урушдан толиқдилар.

Ўша пайтда Марғилонда ҳокимлик қилаётган Умарбек эса отасининг ва акасининг ишларидан хулоса чиқариб олаётган ва унинг бошқарув ишлари атрофдагиларнинг эътиборини торта бошлаган, амалдорлар доирасида ҳам катта обру қозонаётган эди.

Урушлардан ва Олимхоннинг қаттиққўллигидан чарчаган сарой аъёнлари кўнглида Олимхонни йиқитиб, ўрнига Умарбекни хон қилиб кўтариш ниятининг уйғонишига эса айни шароитда шубҳа туғилмайди.

Бу мақсадларнинг рўёбга чиқишига 1810 йилда шароит яратилади. Олимхон хонликдан ажралишга уринаётган Тошкент ҳокимлиги устига юриш қилади. Бу пайтда қаттиқ совуқ қўшиннинг оғир аҳволга солиб қўяди. Қўшин орасида хонга нисбатан нафрат кучайиб кетади ва унга бўйсунмай қўяди.

Истиқлол туфайли халқимиз қўлига қайта етказилган «Тарихи Туркистон» асарида Мулла Олим Маҳдум Ҳожи ушбу вазиятни қўйидагича таърифлайди:

«Аскар-қўшун Олимхондан қайтиб, хусусан, саркардалардин Ирисқулбек ва Мўминбек ва буларга ўхшаш бир неча улуғ саркардалар маслаҳатни бир жойга қарор бериб, Олимхоннинг укаси Умархонга келиб арз қилибдурларким, ушбу вақт ҳамма қўшун Дашти Қипчоқда қор тагида оч ва ҳаробликда қолиб ўз аҳволотларига дармонда бўлган вақтни ғанимат билиб, ўзларимизни Хўқандга еткуруб, ул вилоят одамлари илан иттифоқлашиб, хонликни ва ҳукумат ишларини ўз қўлларимизга олурмиз. Жондин тўйуб, умридин безор бўлган қўшун ҳам бу хабарни эшитиб, албатта бу маслаҳатни қабул қиладур, деб бу иттифоқни Умархонга маълум айлаб қарийб бир минг мукаммал қўшун илан кечалаб Тошкентга келиб, индин Хўқанд тарафга жўнабдурлар».

Албатта, ҳар қандай ворисда ҳам тахтни эгаллаш иштиёқи бўлади. Бироқ Умархоннинг ушбу вазиятдаги тутган йўлини фақат шундай баҳолаш адолатдан бўлмаса керак. У акасининг ноўрин ҳаракатлари халқни безгирганлигини кўриб-билиб турган эди. Балки шунинг учун ҳам саркардаларнинг таклифига рози бўлгандир. Бунинг устига у рози бўлмаган тақдирда ҳам ғалаёнчи саркардалар тахтга барибир бошқа хонни чиқаришлари мумкин эди. Ахир, ғишт қолипдан кўчган, Олимхоннинг фаолиятига қарши иш бошлаганлар энди орқага қайта олмас эдилар ҳам.

Хўш, воқеанинг ривожи қандай бўлди?

«Тарихи Туркистон»да ёзилишича, бу воқеадан хабар топган Олимхон қўшинни Чимкент ва Сайрам устидан қайтаришни буюради. Ўзи Тошкентга келиб, Тошкент ҳокимига васият билан ўғли Шоҳруҳхони қолдиради ва Қўқонга жўнайди. Йўлда тарқалиб кетаётган аскарларнинг содиқларига ҳам жавоб бериб, Тоҳур девонбеги ва яна учта хизматкорини ўзи билан бирга олади. Сирдарёдан ўтгач эса отлари чарчаганини кўриб учала мулозимга ҳам жавоб беради.

Олимхоннинг ўз укаси томон бундай ҳимоясиз йўлга чиққанлиги унга билдиралган катта ишонч белгиси эмасми? Акс ҳолда хон қайта қўшин тўплаган, ҳеч бўлмаса элчилар ёрдамида мунозара юритган бўлмасмиди?

Афсуски, хон девонбеги билан Олтиқўшга етганда дарахт панасидан номаълум одам милтиқ билан Олимхонни отиб ўлдиради.

«Бу воқеани кўрган Тоҳир девонбеги отга қамчин бериб, Хўқанд шаҳрига дохил бўлуб, ўтган аҳволотни ва Олимхоннинг шаҳид бўлганини баён қилибдур, — дейди Мулла Олим. — Умархон дарҳол одам юбориб, Олимхоннинг мурдасини хонлик либоси илан шаҳар ичидан ўтказуб, аҳли шаҳарга вафотни маълум айлаб, Фарғона хонларининг даҳмасига, отаоналарининг ёнига дафн қилдуруб Тоҳир девонбегини ўз улуғини намагини оқлаб, шул даражада хизмат қилгани учун ўз муқаррблари қаторида мансаб тайин қилибдур».

Умархоннинг хонни ўлдириш нияти бўлмаганлигини уни хон либосида дафн қилдириши ва содиқ қолган девонбегисини саройига олганлигиёқ кўрсатиб турибди. Бунинг устига ҳимоясиз одамни паналаб ўлдиришнинг Умархон учун ҳеч ҳожати йўқ эди, аксинча, бу шармандалик келтириши мумкин эди, холос.

Афтидан, Олимхоннинг қотиллари Умархонни тахтга чиқарган фитначи саркардалар ёки уларнинг одамлари бўлган. Балки шунинг учун ҳам Мулла Олим айтмоқчи, «Ирисқулбек, Мўминбек ва жамоаи бой Қайноқий кўрнамакларни ўлдуруб, мамлакат ичидаги фитна ва кудрат бир тараф бўлуб» Умархоннинг ишлари юришгандир.

Бу гуруҳ ростдан ҳам Олимхоннинг тузини оқламаганлиги учун жазога маҳкум қилинмаганмикан?

Мирзо Муҳаммад Ҳусайннинг «Тарихи Насруллахоний», Ҳакимхон Тўранинг «Мунтахаб ут-таворих» каби асарларида бу маълумотлар бирмунча салбий бўёқлар билан берилган. Аммо унга чалғисак, калаванинг учини йўқотиб қўйишимиз мумкин. Зеро, Қўқон адабий муҳити билан чуқур таниш бўлган олим А. Қаюмов таъкидлаганидек, бу муаллифлар Қўқон хонлиги саройидан қувилган ва Амирийга қарши бўлган кишилар эди. Хусумат аралашган жойда эса адолат мезонлари бузилиши тайин.

Норбек ТОШНИЁЗ

ВАТАНГА ХИЗМАТ — МУҚАДДАС БУРЧ

Озодлик, Истиқлол — энг олий Неъматдир. Унинг шарофати ила бу кун мусаффо осмонимизни, ҳадсиз чегараларимизни, бир сўз билан айтганда, тинчлигу осойишимизни ўз Қуролли Кучларимиз қўриқлаётир. Узоқ чегарада синчков боқаётган оловқалб йигит шу ер фарзанди, мураккаб замонавий ҳарбий машинани дадил бошқараётган ҳам ўзбек йигити, озод осмонимиз мусаффолигини таъмин этиб, кўкда чарх уриб учаётган ҳам Ўзбекистон ўғлони!..

Тошкент вилояти Мудофаа бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи, полковник Раҳматулла Ҳикматович Тошхўжаев билан қилган мусоҳабамиз ҳам айнан шу тўғрида, хусусан, яқинлашиб келаётган 1997 йил кузги чақириқ олди тайёргарлик ишлари хусусида бўлди.

— Раҳматулла Ҳикматович, ҳарбий хизмат ёшига етган йигитларни кузги чақирув ойларига ҳам саноқли кунлар қолди. Ана шу муносабат билан олиб борилаётган тайёргарлик ишлари қай даражада? Умуман, ҳарбий хизматга ҳар жиҳатдан лойиқ, соғлом ёшларни сафарбар этишда қандай ишлар олиб боряпсизлар?

— Биз бу йил тайёргарлик ишларига жуда катта эътибор қаратганмиз. Шу мақсадда ҳар бир туман ва шаҳарларимизда, ташкилот ва корхоналарда, қишлоқ фуқаролари йиғинларида учрашувлар, йиғилишлар ўтказмоқдамиз. Бу тадбирларда уруш ва меҳнат фахрийлари, ота-оналар иштирок этишяпти. Бундан ташқари, улар вилоятимиз ва бошқа вилоятлардаги ҳарбий бўлинмаларга ташриф буюриб, Қуролли кучларимизда хизмат қилаётган аскарларимизнинг яшаш шароитлари, машғулот ўтказишлари билан яқиндан танишишмоқда. Хизматга чақирилувчилар эса ҳарбий бўлинмаларнинг зобит ва аскарлари билан мулоқотда бўлмоқдалар. Ўтказилган тадбирларда бўлғуси Ватан ҳимоячиларига совғалар тақдим қилиниб, уларга Ватан олдидаги муқаддас бурчларини адо этишга муваффақиятлар, эзгу ниятлар изҳор қилинди. Бундай учрашувлар айниқса, Юқори Чирчиқ, Қибрай, Янгийўл, Бўстонлиқ, Тошкент, Зангиота, Бекобод туманларида ва Янгийўл шаҳрида ўзгача бир кўтаринки руҳда ўтказилди. Ўйлайманки, олиб бораётган ишларимиз эрта-индин ўз мевасини беради.

— Демоқчисизки, бундайин тадбирлар чақирилувчи ёшлар қалбига ватанпарварлик туйғусини жо қилишда катта аҳамият касб этади. Ватан посбонларини ҳарбий хизматга тайёрлаш ишларини бундан ҳам олдинроқ, аниқроғи, оиладан, мактабдан бошлаш керак эмасми?..

— Маълумки, собиқ Иттифоқ парчаланиши арафасида армияда тартиб-интизом анча бўшашган, турли ноҳушликлар содир бўлиб турар эди. Шукрки, бугунги кунда республикамиз миқёсида бу масалаларга чек қўйилди. Албатта, янада яхшироқ натижаларга эришиш учун болаларимизни оиладан, боғчаю мактабданоқ ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда ватанга чексиз муҳаббат туйғусини шакллантирмоқ керак. Ахир, йигитларимиз ўз Озод Ватанларини, ўз ота-онаси, ака-укаларини, муқаддас тупроқларини ҳимоя қилишади. Ана шуни уларнинг қалбига, онгига сингдириш керак. Масалан, Америкада давлат байроғи кўтарилганда хоҳ ёш бўлсин, хоҳ қари, хоҳ эркак бўлсин, хоҳ аёл чуқур эҳтиром билан таъзимда бўладилар. Мана шу нарса бизларда ҳам бўлиши шарт. Тағин, ёш йигитларимиз нафақат ўзларини маънавий жиҳатдан, балки жисмонан ҳам тайёрлаб боришлари керак. Чунки жисмонан бақувват, соғлом йигитларнинг хизматлари аъло ўтади. Чақириқ олди тайёргарлик ишларимиз ўз ниҳоясига етиб бораётган ушбу кунларда ана шу жиҳатларга катта эътибор беришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Ўйлайманки, вилоятимиз бўйича кузги чақириқни кўнгилдагидек ўтказиб, Вататанимиз ҳарбий бўлинмаларига бақувват, соғлом, ҳар жиҳатдан етук йигитларимизни сафарбар этамиз.

— Раҳматулла ака, буюк бобокалонимиз соҳибқирон Амир Темурнинг «Кучли қўшинга эга бўлган мамлакат қудратлидир» деган ҳикматли гапи бор. Менимча, ҳар қандай буюк мамлакатнинг куч-қудрати кучли қўшиннинг асоси — миллий қадрлар билан ўлчанади. Шундай эмасми?..

— Ҳа, гапингизда жон бор. Зеро, Амир Темурдек юксак ҳарбий салоҳиятли буюк зотни ҳам шу замин вояга етказган-ку!.. Собиқ СССР даврида эса республикамиз ҳарбий билим юртларида ўзбек йигитлари жуда кам эди. Масалан, мен ўзим ҳам ҳарбий билим юртида ўқиганман. Курсимизнинг атиги беш-олти фоизинигина ўзбек йигитлари ташкил этарди. Худога шукрки, ҳозир аҳвол бошқача, 90-95 фоиз ўзбек йигитлари таҳсил олиб, зобит бўлиб чиқишяпти. Бу жуда катта ютуқ. Вилоятимиз бу масалада ҳам анча олдинги сафда. Йигитларимиз Тошкент, Чирчиқ, Самарқанд, Жиззах ҳарбий билим юртларида ўқиб, миллий кадрларимиз сафини тўлдиришмоқда.

— Раҳматулла ака, бўлғуси аскарларга, уларнинг ота-оналарига қандай дил сўзларингиз, тилакларингиз бор?

— Мен аввало, ўз фарзандларини ҳарбий хизматга кузатиш арафасида турган ота-оналарга шуни айтишни истар эдимки, ўз фарзандларини ҳеч қандай хавотирсиз, ҳадиксиз кузатсинлар. Чунки ҳарбий бўлинмаларда йигитларимиз учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Юқорида айтиб ўтганим тадбирларда қатнашган, ҳарбийлар ҳаёти билан танишган ота-оналар бунга қатъий ишонч ҳосил қилишди. Турли ҳарбий бўлинмалардан бизга, ота-оналарга келаётган ташаккурномалар ҳам бунинг ёрқин исботидир.

Бўлғуси Ватан посбонларига йигитлик бурчларини аъло даражада адо этиб, ўз ота-оналари бағр

ТЕМУРИЙ СУЛТОНЛАРГА ЯҚИН ИНСОН

Отам бу остоннинг хокбези,
Онам ҳам бу саро бўстон канизи...

Халқимизнинг ардоқли фарзанди ва фахру ғурури Алишер Навоийнинг ота-онаси темурий султонларга яқин инсонлар бўлганлиги тарихдан маълум. Ҳозирги кунда биз Алишер Навоийнинг ота-боболари ҳақида қандай маълумотларга эгамиз? Нега улуғ шоир отасининг исми баъзи тадқиқотларда Ғиёсиддин Кичкина, баъзиларида эса Кичкина Баҳодир шаклида ёзиб келинмоқда. Бу икки хил атаманинг қайси бирини қўллаш афзал? «Кичкина» лақабми ёки исмми? Баҳодирчи?

Улуғ шоир оиласи билан қизиққан ҳар бир ўқувчида юқоридагидай саволлар туғилиши табиий. Навоийнинг ўзи эса асарларида отаси ҳақида гапирган бўлса-да, унинг тўлиқ номини айтмаган. Алишер Навоий даврида ёзилган асарларнинг бирортасида ҳам улуғ амирнинг ота-боболари ҳақида қониқарли маълумот йўқ. Шундай бўлса-да, манбалардаги жузъий маълумотларни умумлаштириб, баъзи мулоҳазаларни эътиборингизга ҳавола этишга ҳаракат қилмоқчимиз.

Ғиёсиддин Кичкина номи биринчи марта Навоийнинг ҳомийлигида ижод этган тарихчи Хондамир асарларида учрайди. Хусусан, у ўзининг «Ҳабибус-сияр» асарида бир воқеа муносабати билан йўл-йўлакай Алишернинг стасини Ғиёсиддин Кичкина деб кўрсатиб ўтган. Бироқ улуғ амир хислатлари ва фаолиятига бағишланган махсус асари — «Макоримул-ахлоқ»да Навоийнинг отаси Шоҳруҳ султон вафотидан сўнг болачақасини Шероз томонга олиб кетиши билан боғлиқ воқеалар баёнига тўхталса-да, унинг номини тилга олмайди.

Аниқроқ маълумотлар Навоийнинг кичик замондоши, «Мажолисун-нафоис»ни форсчага таржима қилишга муваффақ бўлган Фахрий Ҳиротийнинг мазкур таржимага қўшган тўққизинчи мажлисида учрайди: «Мирнинг ҳолотидан хабардор мўйсафид тарихчилар ва тўғри сўзли дунё кўрганлар ўз асарларида шундай келтирадиларким, Мирга амирлик мансаби меросийдур. Унинг отаси Амир Кичкина султон Абу Саъиднинг хизматида эди. Гарчи муҳру мансаби бўлмаса ҳам, катта ҳурматга эга эди. Она томонидан бобоси Амир Шайх Абу Саъид Чанг Мирзо Бойқаро хонадонида амир ул-умаро эди. Мир ўн ёшлигидан Абул-Қосим Бобур Мирзо хизматини қилар, (султон) уни фарзандидек кўрарди. Мир замон султони (Ҳусайн Бойқаро) билан мактабда ҳамсуҳбат ва ҳамсабоқ эди. Улар қачон бошларига бахт қуши қўнса, бир-бирларини унутмасликка аҳду паймон боғлашган экан».

Фахрий Ҳиротий Навоий билан шахсан таниш бўлган. Бунга Навоийнинг у ҳақда «Мажолисун-нафоис»да айтган илиқ сўзлари кафолот беради. Боз устига, унинг ўзи бу маълумотларни Навоийнинг таржимаи ҳолидан хабардор бўлган кекса тарихчилардан олганлигини айтмоқдаки, бу Фахрий томонидан берилган маълумотлар ҳақиқатга яқинлигини билдиради. Бироқ эътибор берган бўлсангиз, Фахрий Абу Саъид Чанг Навоийнинг она томонидан бобоси эканлигини кўрсатиб ўтган (форсийда — жадди модараш). Бу эса Хондамир асарларидаги маълумотлар руҳиятига мантиқан боғланмайди. Гап шундаки, Фахрий Ҳиротий Абу Саъид Чангни Бойқаро хонадонида амир ул-умаро эди деб, унинг она томонидан боболигини таъкидлар экан, Навоий ўзи эътироф этган «ота-отадин етти пуштга дегинча» деган мулоҳазага биноан ота томони аждодлари ҳақида ҳам албатта маълумот бериб ўтиши жоиз эди. Унинг йўқлиги Фахрий маълумотида тасодифий англашилмовчилик рўй бермаганмикан, деган ўйга олиб боради. Иккинчидан. Шарқда бирор шахснинг шажараси кўрсатилганда, асосан ота томон кўрсатиб келинган. Шу нуқтаи назардан Ғиёсиддин Кичкина ва унинг ўғиллари Алишер, Дарвишалларнинг Бойқаро авлодига кўкалдошлик ришталари билан боғлангани аниқ фактлигини ҳисобга олсак, Бойқаронинг отаси Умаршайх ибн Амир Темурнинг кўкалдоши Ғиёсиддин Кичкинанинг отаси бўлиб чиқиши керак. Шунинг учун ҳам бу муаммога тўқнаш келган тадқиқотчилар Фахрий маълумотига суянсалар-да, мантиқ нуқтаи назаридан уни тўғрилаб ўтганлар. Хусусан, Е.Э.Бертельс ёзади: «Алишернинг бобоси Абу Саъид Чанг, Бойқаронинг Қандаҳордаги қисқа даврли ҳукумати пайтида унинг девонида амир эди. Унинг ўғли, яъни Навоийнинг отаси Ғиёсиддин Кичкина (султон Ҳусайннинг отаси) Мансурнинг кўкалдоши эди». Албатта, Ғиёсиддин Кичкинанинг Мансур билан эмакдош бўлганлиги ҳақидаги Бертельс хулосасига эҳтиёт бўлиб ёндошиш зарур. Чунки фанга маълум бўлган Навоий даври манбаларининг бирортасида ҳам ҳозирча бу тарздаги маълумот учрамади.

Фахрий Ҳиротий маълумотларининг икки муҳим жиҳати Навоийнинг отаси ҳақидаги саёз тасаввуримизни бирмунча чуқурлаштириши мумкин, яъни бир томондан, Навоийнинг отаси амирлик даврида ҳам Кичкина номи билан аталгани, бу номнинг улуғловчи сифатга эга бўлганлигини кўрсатади. Хондамирнинг «Ҳабибус-сияр» асарида Ғиёсиддин Кичкина деб кўрсатилиши ҳам шуни тасдиқлайди. Иккинчи томондан, Фахрий, бизга маълум манбаларнинг ичида биринчи бўлиб, Амир Кичкина Султон Абу Саъид Мирзо саройида хизмат қилганлигини ёзиб қолдирган. Бу гапларда жон бор. Бобур вафот этиб, Хуросонда тўс-тўполон бошланганда шаҳзодалар биринкетин тахтга ўтиришар ва сал ўтмай, бири иккинчисининг ҳужумига бардош бера олмасдан Ҳиротни ташлаб қочар эди. Шундай шароитда тахтни Мирзо Иброҳим эгаллайди.

У Ҳирот тахтини сақлаб қолиш мақсадида биринчи навбатда ўз атрофига салтанат улуғларини йиғади ва Абу Саъид билан иттифоқ тузишга ҳаракат қилади. Унинг бу нияти Ҳирот салтанатининг обрўли арбобларидан бир нечтасини Султон Абу Саъид қошига элчи сифатида юборишида кўринади. Булар шайх Нуриддин ибн Боҳавуддин Умар, шайх Шамоиддин Жомий ва амир Бурҳониддин бўлиб, уларни кузатиб борувчи ҳамроҳ сифатида Алишернинг отаси Ғиёсиддин Кичкина тайинланади. Элчиларни Абу Саъид иззат-икром билан қабул қилади ва кузатиб қўяди.

Кўриниб турибдики, Абу Саъид Мирзо Ғиёсиддин Кичкина билан мулоқотда бўлган. Тарихий йилномалардан маълумки, ўша йилиёқ Абу Саъид Ҳиротни эгаллайди. Демак, Хондамир маълумоти руҳидан келиб чиқадиган бўлсак, Фахрий тўғри айтган: Абу Саъид Абулқосим Бобур амалдорлари қаторида ўзига таниш Ғиёсиддин Кичкинани ҳам ўзига ҳамсуҳбат сифатида саройда қолдирган бўлиши эҳтимолга яқин.

Садриддин Айний ёзади: «Ҳар ҳолда Алишернинг отаси катта амалдорлардан ва машҳур лашкарбошилар жумласидан эмаслигини кўрсатувчи далиллар йўқ эмас. Шоҳруҳ Мирзо салтанати давридаги катта амалдор ва донг чиқарган лашкарбошилар тарихий асарларда номма-ном қайд этилган. Агар Алишернинг отаси катта амалдорлар жумласидан бўлганда эди, у давр тарихчилари назаридан, хусусан, «Равзатус-safo» номли тарихий асарни ёзган Мирхонднинг назаридан четда қолмас эди».

Кўриб турганингиздек, юқоридаги мулоҳазалар Айний фикрини инкор этиб турибди. Фахрий маълумотларидан келиб чиқадиган яна бир муҳим мулоҳазага эътиборимизни қаратиш лозим. Ғиёсиддин Кичкинанинг Абу Саъид даврида тирик эканлиги навоийшуносликда ҳозиргача айтиб келинаётган «Навоийнинг отаси шоир ёшлигида (11—12 ёшларида) вафот этган», деган ақиданинг нотўғри эканлигини кўрсатади. Шунингдек, Навоий ҳаёти талқини бўйича илгари сурилаётган «Абулқосим Бобур вафотидан сўнг Машҳадда қолган Навоий чорночор аҳволда кун кечирган» каби қарашларни ҳам инкор этади. Ғиёсиддин Кичкина ўз ўғлига шароит яратиб берадиган даражада сармояга эга бўлган. Навоийнинг асарларида учрайдиган фақирлик оҳанги, гарчи улар Машҳад билан боғлиқ бўлса-да, бошқа сабаблар асосида айтилган ва бу ҳақда мавриди келганда алоҳида тўхтаб ниятимиз бор.

Нега Ғиёсиддин исмли мўътабар зот тарихий китобларда ҳам Кичкина лақаби билан зикр этилган? Бунинг асл сабаби номаълум бўлсада, Алишер ва Ҳусайнлар оиласининг бир-бирларига яқинлик сабаблари тарихига назар ташласак, бу масала анча ойдинлашиши мумкин. Навоий даври тарихий асарлари, жумладан, «Матлаи саъдайн» ва «Равзатус-safo» асарларида «Навоийнинг бобоси Амир Темурнинг ўғли Умаршайхнинг хос мулозимларидан бўлиб, унинг пешонасига шаҳзодага кўкалдош бўлиш ёзилган эди», деган жумла учрайди. Бу икки асар Алишернинг амирлик даврида ёзилганлиги ва унинг назаридан ўтганлиги шубҳасизлигини ҳисобга олсак, улардаги маълумот ҳақиқатдир. Айниқса, бу маълумотга диққат билан қаралса, унинг муҳимлиги кўкалдошлик белгисидан ҳам кўра Навоийнинг бобосининг отаси ёки онаси Амир Темурнинг хос кишиларидан бўлганлиги ва шаҳзодани, яъни Умаршайх Мирзони ўз боласи билан қўшиб эмизиш каби ўта яқин бўлган кишилар эканлигини англаймиз.

Фахрий эса эътиборни шоирнинг бобосига қаратади. Маълумки, Амир Темур вафот этганда (1405) марҳум Умаршайх ибн Темур Кўрагоннинг ўғли Бойқаро 12 ёшда эди. (Бу Бойқаро — султон Ҳусайннинг бобоси — ред.) Умаршайхнинг кўкалдоши бўлган Абу Саъид Чанг бу пайтларда эллик ёшларда бўлиб, шаҳзодага мураббий бўлганлиги шубҳасиздир. Бойқаро 22 ёшга тўлганда Шоҳруҳ уни Қандаҳор вилоятига ҳоким этиб тайинлайди. Абу Саъид Чанг унинг ишончли кишиси сифатида «Амир ул-умаро» унвони билан тақдирланиб, унинг ноиби вакилатига эга бўлади. Бу мансаб Бойқаронинг ўғли Ғиёсиддин Мансур билан Абу Саъиднинг ўғли Ғиёсиддиннинг бирга тарбия топиши ва бирдай ўсишини таъминлаган, деган мантиқий хулосага олиб келади. Сарой аҳли эса уларнинг исмлари бир хил бўлганлигидан ҳам амирнинг ўғлини фарқлаш учун Ғиёсиддин Кичкина деб атаган бўлишлари эҳтимолга жуда яқиндир. Мазкур лақаб кўкалдошлик белгиси каби, унинг темурийларга яқинлигини изоҳлаб тургани учун бир умр унинг номига қўшиб айтилган.

Фахрий билан деярли бир даврда яшаган унинг кичик замондоши Сом Мирзо Сафавий ўзининг «Туҳфаи Сомий» тазкирасида ҳам Фахрий маълумотларини такроран келтириб ўтган. Бироқ у Фахрийдан фарқли равишда Навоийнинг отаси исмини Кичкина Баҳодир тарзида тилга олади. Тазкира ёзилган давр Навоий даврига нисбатан яқин бўлгани учун бу ўзгартиришда бирор ҳужжат ёки маълумотга таянган, деб ўйлашга асос бор.

«Темур тузуклари»да айтилишича, қайси амир мамлакат ё бир қўшинни енгса ёхуд бирор амирзодани қочирса, унга биринчи навбатда туғ бериб, баҳодирлик лақаби расмий равишда унинг исмига қўшиб ёзилган. Сўнг чегара вилоятларидан бирига ҳоким этиб тайинланган. Ғиёсиддин Кичкинанинг бизга маълум ҳаёти, фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, Сом Мирзонинг маълумоти асосли кўринади. Бу ўринда Навоийнинг қуйидаги эътирофи диққатга моликдир: «...бу хоксорнинг ота-бобоси ул ҳазратнинг (Ҳусайн Бойқаронинг) або ва аждоди хизматларидаким, ҳар бири салтанат конининг гавҳари ва шижоат бешасининг газанфари эрдилар — улуғ маротибга сазовор ва бийик маносибқа комгор эрдилар». Сом Мирзо маълумотларида эътиборни тортадиган яна бир ўзига хос нуқта Фахрий тазкирасида келтирилган Абу Саъид Чанг номининг Абу Саъид Бек тарзида келтирилганлигидир. Тазкиранинг асл нусхасида қай тарзда ёзилганлигини кўриш имконияти йўқлигидан ҳозирча бу борада бирор хулоса чиқаришдан ожизмиз.

Шуҳратиддин СИРОЖИДДИНОВ
Самарқанд

КОМИЛ ЯШИН

Ўзбек адабиёти оғир жудоликка учради. Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, умрини адабиётимиз ва санъатимизга бағишлаган улкан ижодкор ва ажойиб инсон Комил ЯШИН (Нўъмонов) узоқ давом этган касалликдан сўнг 88 ёшида оламдан ўтди.

Комил ЯШИН 1909 йили Андижон шаҳрида туғилган. Меҳнат фаолиятини мактабда ўқитувчиликдан бошлаган. Узоқ йиллар театрларда адабий эмакдош, Ўзбекистон санъат ишлари бошқармаси раҳбари сифатида фаолият кўрсатди. 1958-1980 йиллари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига раислик қилди. Кўп йиллар «Ўзбек тили ва адабиёти» журналининг бош муҳаррири бўлди.

Комил ЯШИН 20-йиллар ўрталаридан ўзбек матбуотида шеър ва очерклари билан қатнаша бошлади. 30-йилларда унинг шеърий тўпламлари чоп этилдли, драмалари саҳнага қўйилди. Драматургия адиб ижодининг асосий йўналиши бўлиб қолди. Унинг ўзбек халқи асл фарзандлари ҳаёти ва фаолияти асосида ёзилган асарлари, уруш мавзуидаги драмалари, шунингдек, бир неча либретто ва сценарийлари кенг оммага яхши таниш. Янги драматик жанрларнинг ўзбек адабиётига кириб келиши ва ривожланишида ҳам Комил ЯШИННинг муносиб ўрни бор. Унинг аксар драмаларида давр руҳи акс этган. У илмий ва адабий-танқидий рисола, мақола ва тақризлар ёзиб, адабиёт ва санъат жараёнида фаол иштирок этди.

Комил ЯШИН халқлар ва адабиётлар яқинлигини, хусусан, Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари ўртасидаги алоқаларни кучайтиришга катта ҳисса қўшди. У Ф. Шиллернинг «Макр ва муҳаббат» асари, шунингдек, жаҳон ва қардош халқлар адабиётининг кўплаб намуналарини ўзбек тилига таржима қилди.

Комил ЯШИННинг хизматлари муносиб тақдирланган. У бир неча унвон, орден ва медал, турли мукофотларга, жумладан, халқаро «НИЛУФАР» мукофотига сазовор бўлган.

Адиб умрининг сўнгги нафасигача ижод билан банд бўлди. «Ёднома» мемуари биринчи китоби яқинда чоп этилган эди. У иккинчи китоб устида ишлаётган эди.

Комил ЯШИН камсуқум ва камтар, бировнинг кўнглини оғритмайдиган, кишилар қалбига йўл топадиган ажойиб инсон эди.

Атоқли адибимиз ва устозимиз Комил ЯШИННи Аллоҳ ўзи раҳмат айласин.

Ислом КАРИМОВ, Эркин ХАЛИЛОВ, Ўткир СУЛТОНОВ, Темур ОЛИМОВ, Ўткир РАҲМАТОВ, Алишер АЗИЗХЎЖАЕВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Тўхтамурод ЖЎРАЕВ, Саид АҲМАД, Иброҳим РАҲИМ, МИРМУҲСИН, Рамз БОБОЖОН, Ҳамид ҒУЛОМ, Одил ЁҚУБОВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Абдулла ОРИПОВ, Эркин ВОҲИДОВ, Сора ЭШОНТЎРАЕВА, Зикир МУҲАММАДЖОНОВ, Ёқуб АҲМЕДОВ.

РУБОИЙДА ТАХАЛЛУС АНЪАНАСИ

Мумтоз мероснинг лирик тури ҳисобланмиш рубоийда тахаллус қўллаш анъанаси давом этиб келган. Бу Алишер Навоий, Муҳаммад Бобур, Мирзо Бедил, Умар Ҳайём, Қул Убайдий каби кўплаб таниқли ижод соҳиблари асарларида ҳам бор.

Адабиётимиздаги мавжуд манбаларга қараганда, бизгача Алишер Навоийнинг «Ҳазойинул-маоний» асарида 133 рубоий етиб келган. Шу асарлари ичида муаллиф биттагинасида тахаллус ишлатади:

Олам бор эмиш, Навоийиё, шўрангиз,
Олам доғи эл боштин-оёқ рангомиз.
Ишқ истар эмиш сени адам мисри сари
Борғилки, эрур эл тилаган ерда азиз.

Бобур ижодида эса бу кўрсатгич жиддий фарқ қилади. У ўзига тегишли 208 рубоийсидан 17 тасида тахаллус қўллайди. Шулардан айримларига мурожаат этамиз:

Беқайдмену харобу сийм эрмасмен,
Ҳам мол йиғиштирур лаим эрмасмен.
Кобулда иқомат этти Бобур дерсиз,
Андоқ демангизларки, муқим эрмасмен.

Бу жойда шуни алоҳида таъкидламоқ керак, яъни Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг тахаллус қўллашдаги маҳорати мумтоз назмда энг юқори чўққига кўтарилган. Чунки шоир кичик имконият, саноқли ўн бир сўздан ўринли фойдаланиб, юқори савиядаги асар битган. Мана ўша рубоий:

Туз оҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур,
Юз оҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур!
Сарриштаи айшдин кўнгулни зинҳор
Уз, оҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур!

Ушбу жараённи чоғиштиришда форс-тожик адабиёти рубоийнависи Мирзо Бедил ижоди ҳам алоҳида эътиборга молик. Шоирнинг 408 рубоийси ўзбек тилига таржима қилинган. Буни 1974 йили шарқшунос олим Шоислом Шомуҳаммедов амалга оширган. Китобда Бедилнинг 37 рубоийсида тахаллус бор.

Алишер Навоий анъаналарига амал қилган ҳолда Мужрим — Обид ҳам 71 рубоийсидан биттагинасида тахаллус қўллайди:

Келди баҳор хуррам, ер сабзазор бўлди,
Аҳли назора учун гулзор зор бўлди,
Ҳар бошга бошқа савдо, ҳар кўзда
минг тамошо
Обид хаёли эмди девонавор бўлди.

Шундай қилиб, мумтоз адабиётимизнинг рубоий жанрида тахаллус қўллаш анъанаси мавжуд бўлган. Лекин бу анъанага ҳар бир шоир ўзича ёндошган. Баъзи рубоийнавислар ўзларининг кўплаб рубоийларида тахаллусларини кўрсатган бўлса, айримларида бу ҳолат кам учрайди. Ушбу анъанадан мутлақо фойдаланмаган шоирлар ҳам бор.

Ғафур ЭШМОНОВ,
ЎзРФА Адабиёт институтининг
илмий ходими

ҚАЙҒУ РУҲНИ ПОКЛАЙДИ

ИКРОМ ОТАМУРОД, «РУҲИМНИНГ ҚАЙҒУСИ», «ЁЗУВЧИ» НАШРИЁТИ

Узоқ вақтлар шеъриятимизнинг асл моҳиятини англолмадик, десам ажабланманг.

Буюк бобокалонларимиз Алишер Навоий, Бобур, Машраб, Яссавий ижодларини ҳар гал мутолаа қиларканмиз, улар ғазалиётининг уммон қадар теранлигидан, сўз масъулияти, сўз ҳаратидан ҳайратланамиз. Сўзнинг илоҳий қудратига яна бир бор имон келтирамиз.

Инсон ўз кўнглининг яйдоқ кенгликларига назар ташламасдан, пасту баландликларини беҳаловат кезмасдан кўнгил хусусида бирор нарса демоги ножоиз.

Шеъриятимизнинг таржимаи ҳолида кўнгилдан йироқ кетилган дамлар ҳам бўлди. Албатта, ўша замонда ҳам буюк истеъдодлар йўқ эмасди. Истеъдод нечоғли буюк бўлмасин, кўнгилдаги гапни айта олмаяптими, демак, ўз вазифасини бажармаётган ҳисобланади.

Худога минг қатла шукрки, ўзбек шеъриятида шеъриятнинг асл моҳиятини ҳис қилиб, унга имон ва садоқат билан хизмат кўрсатиб келган ижодкорлар ҳамиша бўлган. Шеърият — қалб изҳори! Кўнгилдаги пинҳон сирларингни, энг махрам одамингга айтишга ҳам истиҳола қиладиган дардларингни, юрагингнинг кемтикларини қоғозга айтасан. Соғинчларингни, ҳасратларингни, ҳайратларингни, нафратларингни айтасан.

Кўнгил дарчасидан бутун оламга боқасан. Кўнгил кўзи билан бутун атроф-борлиқни, Ватанни, миллатни ва ниҳоят ўзликни таний бошлайсан. Асл шеърият шу эмасми?

Ўз-ўзини англаш, ўз-ўзини тергаш, жоиз бўлса, ўз-ўзини қийнащдек қарама-қарши ҳислар гирдобида туғилади Шеър. «Ёнингда одамлар борми, Атрофинг эмасми бўм-бўш, Қадрми, номусми, орми — Юрагингда йиғлаётган қуш?» Шоир бу саволларни ўз-ўзига бериши бежиз эмас. Зеро, бу саволларни ҳар бир инсоннинг ўз-ўзига бериши табиийдир.

«Қаноти қайрилган — тутқун, иложсиз, чорасиз — яккор, Ёнингда одамлар — сотқин, Ёнингда одамлар — маккор». Атрофдаги одамларнинг риёкорликларини, ёлғончиликларини, хиёнаткор ва маккорликларини кўриб кўнгли зада бўлган одамгина шундай аччиқ хулосага келади. Лирик қаҳрамоннинг хулосаси нақадар аччиқ бўлмасин, уни тан олишга мажбурмиз. Ва беихтиёр бундан неча юз йиллар бурун «Кўнглимдан ўзга маҳрами асрор топмадим», дея нидо қилган буюк бобомизнинг юз карра ҳақ эканлигига амин бўламиз. Дўстлар, аниқроғи дўстликка даъво қилиб юрган каслар жафосидан зада қалбдан энди ушбу мисралар тўкилади:

Узоқдан сев,
узоқдан сев.
Дўстларингни севгин
узоқдан.

У шу сабабли ўзини танҳо сезади. Танҳо ҳолида кўнгил кенгликларида сарсон-саргардон кезади. «Ичкарига кирасан ёлғиз, чарчаган руҳингни судраб», «Яна тун. Яна мен. Яна хотира ва яна кузатиб турган ёлғизлик» каби мисраларда қаҳрамон дунёси янада теранроқ очила бошлайди. У узлатни қанчалик ихтиёр қилмасин (кўнгил майлидан келиб чиқиб), лекин бунинг имкони йўқ. Инсон инсон билан тирик. У хилватнишинликда узоқ ўтира олмайди, чунки соғинч кемира бошлайди. Гарчи кўнгил майлига зид бориб бўлса-да, қаҳрамон яна ўша бевафо, беоқибат «дўстлар» бағрига шошилади. Ҳеч бир илинж йўқ бўлсада, барибир ўша олис муҳаббатнинг ҳароратидан исинади. Шоирнинг «Сен» достонидаги ушбу мисраларда юқоридаги фикр рўй-рост намоён бўлади: «Дийдаси тош вақтнинг қобиғалари майишиблар кетсин, суянчи кўтаролмай соғинчларинг собиғаларин... Соғинчларинг соғиндим соғинчим».

Яқин вақтлар ичида севги-муҳаббат хусусида бундай босиқ, лекин ҳис-ҳаяжон ва ҳарорат уфуриб турган бирор асар ўқиганимни эслолмайман. Тўғри, ишқ-муҳаббат бобида кўпдан кўп шеърлар яратилган, бундан кейин ҳам яратилади, худо хоҳласа. Ҳар ким бу мавзуга ўз билганича жило беради. Лекин Икром Отамуроднинг «Сен» достонидаги фикр, ҳис шу қадар залворли ва шу қадар возминки, анча-мунча одамни «эзиб» ташлайди. Мазкур севги достон севги хотираси, унинг моҳияти хусусида. У назаримда севги ҳақидаги бизнинг ақидаларимизни тарбиялайди. Уни камолотга даъват этади. «Сени бағрига олган қаро кун, Йўл эмас, қаршимга тўшади туман. Туманнинг қаърига жимгина — беун Сингиб бораман». «Қаро куй», «туман», «туманнинг қаъри» каби борлиқ манзараларида қаҳрамоннинг уйкечинмалари аён бўлади.

Шоир бу ерда ҳам қарамақаршилик, зиддиятларга дуч келади ва бу ҳолатлар исканжасида қуйидаги мисраларни битади:

Сен — ширин азобим,
аччиқ муруввat,
Қисмат менга ато этган
ўчи-да,
Азобдан куч олиб ва
қувват
Дардларим кўкарар
ичимда.

Кўринадики, шоир ёлғизлик, ишқ ва соғинч каби сўзларга алоҳида маъно юклаяпти. Мана шу учлик — ёлғизлик, ишқ ва соғинч муқоясасида — Кўнгил туғилади. Ҳамма ришталар кўнгилга бориб туташади. Шу учлик моҳиятида шоирнинг кўнгли бўртиб туради.

Шоирнинг соғинчи ёлғиз олис муҳаббат соғинчи эмас, у шу соғинчга бутун таржимаи ҳолини, болалик, кенгликлар, софлик ва самимиятни жо эта олган. Унинг соғинчида кўҳна Касбининг боқий сардобалари, Султон Мирҳайдарнинг харобалари, тўрғайлар учиб юрган чексиз осмонлар армонлари бор.

Руҳимда бир азоб —
доғда доғ қотдим,
Ғамларимнинг ғамли
ғамига ботдим,
Соғинчим, билмайман
қайга йўқотдим
Мен сени соғиндим
кенглик.

Шоир кенгликларни соғиниш асосида ўзини қийнаётган ҳиссиётларни, фикрларни тўкиб солади. Ва шундан англаймизки, шоир айтаётган кенглик ҳудудий эмас, мажозий маъно касб этмоқда.

Катта иморатлар ичра
майдалар,
Қадрини хор айлаб —
гангир, чайналар,
Бир ҳақ ортидан юз ёлғон
қайралар,
Мен сени соғиндим,
кенглик.

Ҳудудий маънодаги кенгликнинг инсон қалбига таъсирини англай бошлаймиз. Тор жойга ўрганган инсоннинг Кўнгли ҳам торайиб, саёзланиб қолар экан.

Кўпдан кўп шеърларни ўқийман. Бир марта ўқийман, икки марта ўқийман, уч... Ҳар гал ўқирканман, шеърнинг оҳори учиб, шираси камайиб бораётгандек туюлаверади. Назаримда, бу истеъдодсиз мусаввир ноёб бир тасвирни қўл учида кўчиргани каби таассурот уйғотади. Бундан бир аччиқ ҳақиқат аён бўлади. Шоир асл олтин деб даъво қилаётгани мисдан бўлак нарса эмас. Демакки, бу тоифага мансуб аҳли ижод ўз қалбидагини эмас, балки тили учидаги гапни қофияга солаяпти. Бундайлар эҳтимол, умрбод ижод азоби ва лаззатини ҳис этмай, ўз қалбига ва бошқалар қалбига киролмай ўтиб кетсалар ажаб эмас. Икром Отамуроднинг шеърларини қайта-қайта ўқирканман, шоирнинг ҳар бир сўзни, ҳар бир белгини бежиз ишлатмаганининг шоҳиди бўлдим. Бу сўзлар ҳаракатланади, шеърга жон бағишлайди. Ва шеърда шоир қалби уриб туради. Шу сабабли ҳар гал шеърдан янги-янги маънолар топилади. Шоирнинг азобли дардлари ғайриихтиёрий тарзда шеърхонга ўтади. Уни ўз-ўзини тафтиш этишга, қайғуришга даъват этади. Шоир ҳар бир сўзга шундай бир салмоқ юклайди ва сўз бу юкни бемалол кўтаради.

Абдумажид АЗИМ

Китобингизни ўқидим

Ҳакимжон КАРИМОВ, филология фанлари доктори, профессор

ЭЗГУЛИК ИНСОНИЙЛИКДИР

Мукаммал дунё ҳақиқий оламдан устун ва гўзалдир. Гўзаллик асосида эса эзгулик ётади. Эзгуликнинг асоси — инсонийликдир. Аёнки, тоталитар тузум давридаги аксари асарларда акс этган бадиий дунё мукаммал ва гўзал бўла олмади. Сабаби уларда ҳаётнинг бир бутунлиги ҳаётийликдан эмас, социалистик воқеликдан қидирилди, шунингдек, ҳаёлот эркинлиги бўлмагани учун чекланиб қолди. Зеро, сохта ҳақиқатга қанчалик бадиий шакл берилмасин, ҳаётга ва инсон руҳиятига таъсирини ўтказиб бўлмайди. Афсуски, адабий жараён бу йўлдан чекиниш ўрнига, уни изчиллик билан давом эттирди. Бу ҳол уч йўналишда давом этди. Бири собиқ социалистик тузумнинг туб моҳиятини, яъни уни инсонийлик, адолат асосида эмас, балки тоталитар мустамлакачилик заминига қурилганини англаб, инкор қилиш йўлидан борди. Иккинчиси эса, социалистик тузумни улуғлаш асосида ўтмишни қоралашдан, тарихий шахсларга салбий муносабатдан иборат бўлди. Учинчиси эса, жамият ва инсоний иллатларни фош қилиш йўлини тутди. Бугунги кунда мазкур йўналишга гарчи прогрессив баҳо берилаётган бўлса-да, у ҳам даврнинг етакчи сиёсати ва мафкурасидан ташқарига чиқа олмаганлиги кўринади. Чунки бу йўналишда иллатларнинг келиб чиқишининг сабаби коммунистик принципларидан чекиниш, унинг идеаллари йўлидан бормаслик, деб баҳоланди. Ваҳоланки, бу қараш тўғри эмасди. Иллатларнинг туб илдизи эса тузумнинг ўзида эди. Бу ҳол ёзувчилар томонидан чуқур фалсафий йўналишда очиб берилмади.

Бу йўналиш иккинчи йўналиш билан параллел равишда давом этганлигини, кейинчалик иккинчи йўналиш устунлик қилиб кетганлигини ҳисобга олсак, ижоднинг тўғри йўлдан тойишига жараён эмас, балки замоннинг ҳукмрон сиёсати айбдор эканлиги кўринади. Қолаверса, жараён ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, уни ижодкор юзага келтиради.

Бугунги кунда хаёлот эркинлиги, ҳаёт ҳодисаларини тўғри талқин қилишга, уни ифода этишга имконият туғилди. Лекин адабий жараён қандай кечаяпти? У мустақиллик моҳиятини фалсафий нуқтаи назардан таҳлил қилиб, инсон фаолиятида унинг бугуни ва келажагини, хаёлот дунёси имкониятларини намоён қиляптими, деган савол берилса «Ҳа» деб жавоб бериш қийин. Тўғри, мустақиллик шарофати билан тарихий шахслар фаолияти, тарихий воқеа ва жараёнлар ўзининг тўғри ифодасини топаётир, инсоний ахлоқ ва маънавиятнинг асоси ҳисобланган дин унсурлари заминида асарлар яратиляпти, ғарбнинг модерн услубида ижод намуналари юзага келяпти, энг муҳими, ижодда инсоннинг меҳнати, унинг самараси эмас, ўзи биринчи ўринга чиқяпти. Яқин ўтмишда булар барчасининг тескари ифодасини амалда бўлганини назарга олсак, бугунги адабий жараёндаги янгилик кўзга ташланади.

Лекин адабий жараёнга унинг замон билан боғлиқлигидан, жаҳон адабиёти тажрибасидан, шунингдек, ўлмас асарлари билан дунёга машҳур ижодкорлар асарларидан келиб чиқиб баҳо берсак, бунинг ўзи етарли эмаслиги кўринади. Чунки адабиёт ўзи яшаб турган замон ва давр воқеалари ҳамда жамият илгари сурган тамойилларнинг моҳиятини одамлар хатти-ҳаракати, турмуш тарзи, шунингдек, шахслар қисмати орқали чуқур фалсафий таҳлил қилсагина бу инсоният ва жамиятга катта мадад бўлади. Улкан ёзувчиларнинг ижоди ана шундай хусусиятга эгадир.

Бунга асарларини уч қисмга — «Хулқлар ҳақида этюдлар», «Фалсафий этюдлар», «Аналитик этюдлар»га бўлган ва «Инсон комедияси» деган умумий ном остида бирлаштирган Оноре де Бальзак ижоди ёрқин мисол бўла олади. Маълумки, унинг асарлари реставрация (1815—1830) ва Июл монархияси даврини қамраб олади. Бу йиллар Францияда давлат тепасига йирик молия буржуазияси келган бўлиб, у дворянлар билан аристократларни тарих саҳифасидан суриб чиқараётган бир давр эди. Бальзак бу муносабат моҳиятини чуқур англади ва ўз асарларида замонасининг ижтимоий жараёнларини ҳулқий, фалсафий, аналитик жиҳатдан катта маҳорат билан тасвирлади, уларнинг ботиний илдизларини таҳлил қилди. Замонасининг ижтимоий, иқтисодий, инсоний муаммоларини чуқур билимдонлик билан очиб бергани учун адибни «ижтимоий фанлар доктори, агар француз жамияти тарихчи бўлса, Бальзак унинг котиби», деб аташди. Дарҳақиқат, Бальзак бойлик ва пул киши тийнати, руҳиятини ўзгартирувчи, инсонийликни йўлидан оғдирувчи куч эканлигини шахслар тақдирида кўрсатиб, маънавиятнинг асл илдизларини инкишоф қилиш билан эзгуликнинг жамиятни барқарорлаштириш кучига ишонтирди.

ЖАРАЁН

Маълумки, бозор шароити туфайли кўпчилик ўзини савдога урди. Ўқитувчилар, илмий ходимлар, ҳатто ёзувчи ва шоирлар орасида ҳам ўрним бозорда экан, деб ўйлайдиганлар чиқди. Бироқ орадан кўп ўтмай жамиятнинг келажагини фақат иқтисод билан чеклаб қўйиш яхшиликка олиб келмаслигини англадик. Бугунги кунга келиб маънавиятга эътиборни кучайтираяпмиз. Лекин мазкур масала адабиётда ўз ифодасини топдими? Адабий жараён бу борада нима қилди, деган саволни берсак, сукут сақлашдан бошқа чора йўқ. Адабиётнинг вазифасига фақат инкор қилиш эмас, эзгуликка хизмат қиладиган гўзал нарсаларни эътироф қилиш ҳам киради. Ҳозирги жараён эса фақат кечаги кунни инкор қилиш, камчиликларини топишдан нарига ўта олмаяпти. Одатда бирор нарса инкор қилинса, унинг ўрнини босадиган янги модели кўрсатилади. Адабиёт ҳам бундан мустасно эмас. Адабий жараёнда бугунги кунинг инсон ҳаётидаги аҳамияти, бугунги кун одамининг руҳияти ичд

Улуғ мутасаввуф шоир ва мавлавий тариқатининг асосчиси Мавлоно Жалолиддин Румий 1207 йилда Хоразмшоҳлар давлатига қарашли Балх шаҳрида туғилиб, 1273 йилда Салжуқийлар давлатига қарашли Кўнё шаҳрида вафот этган. Ундан 25700 байтдан иборат олти жилдли «Маснавий-и маънавий» деган маснавий китоби, 60000 мисрадан иборат саккиз жилдли «Девон-и Шамс-и Табриз» («Шамсиддин Табризийнинг девони» ёки «Катта девон») номли ғазаллар ва рубоийлар китоби, шунингдек, мавлононинг барча ҳикматли сўзларини жамлаган «Фиҳи мо Фиҳ» китоби, «Мавоиз-и мажлис-и сабъа» (Етти мажлисда айтган ваъзлари) ҳамда «Хатлар»и бутун инсониятга мерос бўлиб қолган.

Мавлоно Жалолиддин Румий таваллудига 790 йил тўлди. Шу муносабат билан муштарийларимизни Мавлоно асарлари мутолаасига таклиф этаяпмиз. Зотан, шоирлар эсланар шеърлари билан.

Жалолиддин РУМИЙ

ЛУҚМОН ВА УНИНГ ХОЖАСИ ЗАҲАРЛАНГАН ТАРВУЗ ЕҒАНЛАРИ ҲАҚИДА

Лукмоннинг хожаси қизиқ зот эди:
Қачон келтирсалар бирон тамадди,

Чақиртирар эди Лукмонни дарҳол,
Махсус таклиф қилиб дерди: «Қани, ол!»

Лукмон еса — ерди, емаса — емас,
Лукмонсиз тотинса, бўларди лоҳас.

Бир куни келтирди тарвуз бир фақир,
Хожа унга деди: «Лукмонни чақир!»

Келганда, Лукмонга бир тилим берди,
Лукмон уни асал егандай еди.

Хожаси Лукмонни завқ-ла кузатди,
Сўнг яна бир тилим кесиб узатди.

Лукмон ер, у кесар, билмасди тиним,
Шу тарзда узатди ўн етти тилим.

— Бу ширин тарвузнинг охири бизга, —
Деб сўнгги тилимни солди оғизга, —

Қандай ширинлигин биз ҳам билайлик,
Лукмони Ҳакимдай маза қилайлик. —

Аммо еб кўрганда буришди афти,
Чўғ тотгандай, ошди оғзининг тафти,

Қабарди тиллари, ёнди томоғи,
Бир зумда кўкарди икки ёноғи.

Лукмон тарвуз еди, егандай шакар,
Бу еди бамисли ютгандай заҳар.

Қалдираб деди: — Эй менинг Лукмоним!
Эй менинг жаҳоним, эй менинг жоним!

Сен қандай заҳарни шарбатдай ичдинг?
Қандай бу қаҳрни лутфга бичдинг?

Бўлмасмиди «узрим бор» десанг менга?
Зулм қилармидим ахир ҳеч сенга?!

Лукмон деди унга: — Эй, жумард хожам,
Зулм кўрмаганман мен сендан ҳечам.

Аксинча, неъматлар бахшида этдинг,
Умримни неъматлар билан безатдинг.

Қўлингдан бир аччиқ нарса емадим.
Бир гал бош тортишни эп деб билмадим.

Сен сабаб, яримим бўлган-ку бутун,
Сен сабаб, мисларим бўлган-ку олтин.

Битта аччиғинг деб қилайми фарёд?
Дод солсам ўзимга эмасми иснод?!

Сен берган ширинлик жисмимга етар,
Бу аччиқ, ичимда йўқ бўлиб кетар.

Мехр-оқибатда ва муҳаббатда
Хислатлар жуда кўп кичик ва катта.

Севгидан аччиқлар ширинлашади,
Севгидан темирлар олтинлашади.

Севгидан дур тиниб, тозаланади,
Севгидан дард ариб, шифоланади.

Севгидан ўликлар тирилар ҳатто,
Севгидан шоҳлар ҳам бўлади гадо.

ХОТИН ВА ЭР, УЛАРНИНГ ҒАЙ-СЎЗЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бир хотин эрини қаттиқ уришди,
— Қанақа эрсан? — деб, афти буришди.

Одамлик ҳаддидан тез ўтиб кетдинг,
Инсонлик номини поймол этдинг.

Не учун ҳолимга ҳеч қарамайсан?
Не керак, дейишга ҳам ярамайсан?

Узлуксиз бу хўрлик битарми бир кун?
Тушунтир, мен нечун яшайман юпун?

Эри деди: — Сени қолдирдимми оч?
Хотини: — Йўқ, — деди, — жисмим яланғоч!

— Эрга фарз: едириш, кийдириш... мана,
Қорнинг тўқ, эгнинг бут, не дейсан яна? —

Хотин кўйлагининг енгин ушлатди —
Жуда дағал эди — анча кирлабди.

— Дағалки, тирнаши тирноқларга хос,
Ким олар хотинга шундайин либос?

— Эй хотин, — деди эр, — сенга бир савол:
Йўқсулман, бошқасин обериш маҳол.

Бу — ёмон ва дағал — ёқимли эмас,
Аммо ақллигим, ўйлаб кўр бирпас.

Қай бири ёмонроқ — талоқми, буми?
Сенга бу ёмонми, кўйди-чиқдими? —

Эй, эрин қийнаган, ниқтаган хотин,
Юрагини ҳавас ўртаган хотин!

Эй, хотин қалбига наштар урган эр,
Жуфтига талоқни раво кўрган эр!

Мен билиб турибман, ҳолингиз мушкул,
Лекин иккингизга айтар гапим шул:

Йўқчилик инсонда уйғотар ҳавас,
Ҳавасдан воз кечиш, йўқ, осон эмас.

Бироқ бесабрлик катта хатодир
Ҳақсизлик — бахтсизлик туғишга қодир.

Миразиз АЪЗАМ таржимаси

Жаҳонгир ХОЛМИРЗАЕВ

ЎТГАН КУНЛАРДАН

Ҳикоя

Э, дўстим Горацио, ҳаётда шундай воқеалар бўлар эканки, улар сени донишмандларингни тушига ҳам кирмаган.
«Гамлет». Шекспир.

Онам дала ҳовлимизда памидор, бўлғори қалампир ва қорағат қовуриб, банка ёпиш билан банд, отам билан биз — акам ва мен — шаҳардаги уйимизда эдик. Оқшом пайти қўнғироқ жиринглади, дастакни олсам — онам: узоқ тоғли тумандаги бувим қазо қилганини айтди. Отам акам билан дарҳол йўлга отланишди. Эртаси куни опам билан мен ҳам йўлга чиқдик. Манзилга етиб борганимизда, момомизни кўмиб бўлишган, ҳовли-боғнинг сайхон ерлари таъзиячилар билан тўла эди.

Таъзиянинг учинчи куни, мени офтоб урган эканми, кўнглим айниб, бошим айлана бошлади, иссиғим чиқиб кетди. Чақирилган дўхтир бир-иккита укол қилди-да, ҳечқурса, бирон ҳафта касалхонада ётишим зарурлигини билдирди. Кейин «Тиббий ёрдам» мошинасига ўтқазиб, ўзи билан олиб кетди.

Учинчи қаватга опчиқиб, икки кишилик хонага ётқизишди. Кейин билсам, биринчи қават — поликлиника, иккинчи қават — туғриқхона экан. Бизнинг қаватда ҳар хил беморлар йиғилган эди, десам бўлади. Мен ўрнашган палатада яқинда инфаркт бўлган бир қария ҳам ётган экан. Дастлаб мен ҳайрон қолдим: ҳар хил касаллар ётса ётар, лекин оғирлашиб қолганлари ҳожатхонага қанақа қилиб тушиб чиқишади? Кейин менга ҳамшира тушунтирдики, ҳар бир беморнинг каравоти тагида тостувак бор.

Мен биринчи кундаёқ ҳамхонам-қўшним билан танишдим. Исми Рамазон бобо Раззоқов, беш-олти йил бурун туманда милиция бошлиғининг ўринбосари бўлиб, подполковник унвони билан пенсияга чиққан экан. У ўзининг муқаддас рамазон ойида туғилганини алоҳида фахр билан айтди. Бироқ кейин камгап бўлиб қолди: саволларимга қисқа, лўнда жавоб берарди, холос. Бундан ташқари, унинг столи яқин кунларда бирон кишининг йўқлаб келганига «гувоҳ»лик бермас, афтидан, Рамазон бобонинг ўзиям ҳеч кимни кутмас эди. Оқшом дўхтирлар жамланиб, менга осма укол қўйишди. Кейин қария билан бош врачнинг ўзи баҳузур гаплашиб, сигарет чекиш ва вино ичиш у кишига қатъиян ман этилганини айтди. Аммо чолнинг ҳорғин кулимсираб тинглашидан билдимки, табибнинг айтганлари бу қулоғидан кириб, у қулоғидан чиқиб кетаяпти.

Ҳақиқатан ҳам эртаси куни мен бироз ўзимга келиб, дераза ёнида тургандим, у ўзига сигарет билан бир шиша «Портвейн» олиб келишимни сўради.

Мен ҳайрон бўлиб, бош дўхтирнинг гапини эслатдим: унинг бу аҳволида сигарет ҳам, вино ҳам кони зиён эканини айтдим. У миқ этмасдан чап қўлини кўтариб, кафтини кўрсатди. Тушундим: «Ўрнимдан туришимга ёрдам бер», деяпти. Мен унинг қўлидан-тирсагидан авайлаб тортдим. Чол қўзғалиб, ўтириб олди. Ёстиғини орқасига суриб қўйдим.

У, ниҳоят, менга тикилиб қаради. Кенг юзини ажинлар қоплаган, лаблари ҳам, қошлари ҳам қалин, қорамағиздан келган киши эди. Бошида сочи йўқ, фақат икки чеккасида жиндак-жиндак жонсиз туклари бор, соқоли ўсган, мўйлови сийрак, хуллас, менга шафқатсиз, шу билан бирга мардона бир одам тикилиб турарди.

— Менга қара, неварам, нега бу гапларни айтаяпсан, — деб бошлади. — Мен олтмишдан ўтиб кетдим. Нима, сен билган бу нарсаларни мени билмайди, деб ўйлайсанми? Менинг отам ҳам, бобом ҳам шу инфарктдан ўлган. Билиб қўй, учинчи приступда кетган. Мен иккитасини ўтказдим. Учинчиси, ким билади дейсан, бугун хуруж қиладими, эртагами... Мен эллик йилдан буён чекаман, ичаман. Энди, беш-олти ой ортиқча умр кўриш учун эллик йиллик одатимни ўзгартираманми? Мен ёшимни яшаб бўлдим. Қолаверса, ўз ҳаётимнинг хўжайини — ўзимман. Соғ одамни бемор қилишга қодир врачлар ҳам хўжайин эмас менга, сенинг ачинишларинггаям муҳтож эмасман, неварам... Агар ҳозир чекмасам ёки бир қултум вино ютмасам, асабим бузилади. Шуни қилсам, хотиржам бўламан: эҳтимол умрим яна бир-икки ойга чўзилар. Акс ҳолда асаб, ҳаяжон мени дарҳол йиқитади... Сен менга ёқиб қолдинг. Сен билан бироз гурунглашмоқчиман. Айтганимни қила қол, ўғлон.

Унинг қўйин чўнтагидан чиқарган, тер ҳиди сингиб қолган пулини олиб, эшикка йўналгандим, у:

— Тўхта, — деди. — Чойнакни олиб ол. Винони шунга қуясан. Дўхтир билиб қолса, сениям расво қилади.

Мен унинг айтганини бажардим: винони чойнакка қуйиб, сигарет билан опкелдим. У деразани очириб қўйиб, дарров сигарет тутатди. Кейин чойнакдан пиёлага вино қуйиб ичиб олди. Ана шундан кейин гапимиз бир-бирига қовушиб кетди.

— Мен сени бувингни билардим, — деди у. — Содда аёл эди. Кўп йил женотделлик қилди. Юқоридан нима буюрилса, шуни бажарди раҳматли. Отангниям узоқдан танийман... Лекин аканг, опанг сенга жуда меҳрибон экан, кеча билдим.

— Кечирасиз, сизниям фарзандларингиз борми? Келиб туришадими? — деб сўрадим.

Рамазон ака хўрсиниб:

— Битта ўғлим бор, — деди. — Битта, холос...

— Бошқа йўқми?

— Бошқа... яна олти қизим бор. Мен ўн йил кутдим ўғил туғилишини. Ўн йил не-не умидлар билан яшаб, охири — отини Умид қўйдим.

— Сиз билан яшамайдими?

— Ҳа, Тошкентда туради. Мелисада ишлайди. Яқинда майорлик званиясини олди.

— Кечирасиз, нега мунақа — тилаб олган ўғлингиз ҳақида мундай ғамгин сўзлаяпсиз?

— Биласанми, чироғим, — деди у баттар мунгланиб, — мен уни ёшлигидан қонунни ҳурмат қилишга ўргатувдим. Жамиятда тартиб-интизомнинг ҳалол соқчиси бўл, дер эдим...

— У-чи? — секин сўрадим мен.

— Яқин-яқингача мен уни худди шундай — орзу қилганимдай ишлаяпти, деб юрардим. Бундан бир ойча бурун Тошкентдан келди. Биз мириқиб гурунглашдик. Ароқниям обдон ичдик, званиясини ётволиб ювдик. Кейин у нима иш қилиб юргани, нималарни ўйлаши ҳақида гапириб берди.

— Хўш, нималар деди?

— У айтдики, илгарилари мен ўзимнинг профессиям нималигини билмас эканман, дада, деди. Масалан, хужжатимни кўрсатиб, жамоат транспортида бемалол юришим мумкин-ку? Шунгаям хижолат тортган пайтларим бўларди, деди. Хўп... Ҳолбуки таксичини қўрқитиб, таксида текин юришим ҳам мумкин экан. Ёки бир бойваччанинг анчайин шўхлик қилган ўғлини тутиб олиб, уни қўйвориш эвазига отасидан мўмайгина пора олишим, кейин мошина олиб минишим мумкин экан... деди. Деди. Хуллас калом, у ўзида властни ҳис қилган. Ўзини қонундан ташқари, балки қонундан устун шахс деб биларкан, чироғим! У, мен унинг ҳалол, честни мелиса бўлишини қанчалар орзу қилардим.

— Кечирасиз, Рамазон ака, сиз ўзингиз честний мелиса бўлганмисиз?

У бирдан бошини кўтарди-да, менга ошкора нафрат билан кўз тикди.

— Мен ўз бурчимни ҳамиша бажаришга ҳаракат қилдим, — деди. — Лекин у бошқа замон эди: шунинг учун буйруқни бажариш, хўш, жамоат тартибини сақлаш учун кўп нопок ишларни қилишга ҳам тўғри келарди. Сен тушунмайсан у замонни, отангни қулоғида эдинг ўша кезларда.

— Илтимос, бирон воқеани айтиб беринг, балки тушуниб оларман, — дедим.

— Яхши, — деб қандайдир совуқ жилмайди Рамазон ака. — Мен сенга ўша йилларда кечган бир кичик воқеани айтиб бераман. — У винодан яна қуйиб ичди. — Ўшанда энди замначалник бўлган чоғларим, айни вақтда партком секретари, шунинг учун ҳуқуқим началникнинг ҳуқуқидан паст эмас эди. Кези келганда, милициядаги ишларни райкомда мендан сўрашарди... Қорасув деган тоғ қишлоғидан бир келинчак «эримдан ажраламан», деб бизга икки марта ариза берган экан. Яъни началник номига. Шунинг учун мен бехабар қолган эканман. Бир куни началник мени кабинетига чақириб, шундай-шундай, деди. Ўша қишлоқ ҳам қарайдиган участканинг участкавойини ҳам юборган экан. Ҳеч бир натижа чиқаролмай кепти. Энди бўлса, район партия комитетининг идеология бўлим мудири зулм қилиб турганмиш: «Боринглар. Эр-хотинни яраштиринглар!»

— Зўрлик қилиб бўлсаям яраштириш керак эканми? — ҳайрон бўлиб сўрадим.

— Ҳа. Ўша вақтларда оиланинг бузилишига деярли йўл қўйилмасди. Нимагаки, — деб мийиғида илжайганча мўйловини силаб қўйди Рамазон ака, — Совет оиласи бузилмаслиги керак. Оила — жамиятнинг ячейкаси: у бузилса, жамиятга соя тушади. Ҳе, ҳар қадамда «Совет оиласига шон-шарафлар бўлсин!» деган шоирлар ҳам бўларди. Газеталаримиз эса, оила бузилиши — чет элда авж олгани, бу нарса — капитализмнинг бузилаётганидан далолатдир, деб мақола берарди... Хотиннинг хати билан танишдим, ҳеч нарса тушунмадим. Эрим билан яшамайман, дейди, вассалом. Худди ўша куни, ҳа, даже ўша вақтда райкомдан телефон бўлиб қолди. Ўша опа — идеология секретари. Ҳе, қоқ миядан олиб, роса тузлади: «Сиз қанақанги коммунистсиз, парткомсиз? Шундай сиёсий масалага бефарқ қараб юрибсиз? Боринг ўзингиз, нима қилсангиз қилинг, эр-хотинни яраштиринг!». — У сигарет тутатиб олди яна. — Фуражкани кийдик, отни миндик. Қорасувга жўнадик. Тоғ қишлоғи яхши-да: ҳавоси тоза, арчазор, ёнғоқзор. Одамлари ҳам содда, бечоралар. Айниқса, фуражкалидан қўрқишар эди. Энди ҳамма вақт бало-қазога мелиса балогардон эди-да. Бўз ерларни ўзлаштириш бошланганда ҳам, чироғим, ерлик одамларни кўчирган — биз эдик: ким иссиқ жойини ташлаб, қизиқ чўлга — чивинга талангани боради? Лекин бориши керак эди! Ҳайдаганмиз. Кейин, кўплари қочиб ҳам келди-ю, гап унда эмас... Мелиса деган зот қонунни, буйруқни ижро этадиган ҳамда ижро этишга... мажбур этадиган кишилар эди. Қисқаси, Қорасувга етиб бордим. Одамлар икки чақиримдан мени таниб, рўпарамга чиқишди. Саломалик. Уйларига таклиф қилишлар... Мен Қурбон деган тўқимчини излаб келганимни айтдим. Тоғли, дашт жойларда тўқимчилик — яхши касб. Кўрсатиб қўйишди уйини. Пахсадеворли, эски бир ҳовли экан. Шундоқ тоғнинг бетида. Отдан тушмасимдан бурун эшикчадан бир эркак чиқди. Мен қўрқув нималигини билмай кетган эдим, неварам... Лекин у эркакни кўриб, этиб жунжикиб кетди. Ундан хунук махлуқни, умрим бино бўлиб, кўрган эмсман. Елкаси букир, одамсимон маймундан фарқи йўқ. Башараси ҳам худди орангутанники. Тавба, одамларни қўрқитишга туғилган десанг ҳам бўлади, қизиқчиликка туғилган десанг ҳам. Тағин де, кийим-боши ҳам беш-олти ойдан буён тоғорага тушмаган. Иқирт.

— Кимсан? Қурбонмисан? — деб сўрадим.

— Ҳа, начайлик бобо, — деди у.

Мен отдан тушиб, жиловни унга бердим.

— Икковимиз гаплашишимиз керак, Қурбон.

— Хуш кўрдик.

Мен уйига кириб, бурчакда сандал турган экан, шунга ўтирдим. Бирпасдан кейин одам суратидаги маймун кириб келди. Хотини қишлоқ этагида яшайдиган бир дугонасининг уйига — телевизор кўргани кетган экан, ҳадемай унинг келишини айтиб, кўрпача тўшади.

— Қўявер, менга шу ер ҳам бўлади, — дедим-да, нима мақсадда келганимни айтдим. У бирдан кўзига ёш олиб, хотинини жон-дилидан севиши, усиз яшолмаслигини айта кетди.

— Ўн йил бўлди рўзғор қурганимизга, бобожон. Аҳилгина яшаб келаётиб эдик. Битта қизчамиз ҳам бор, худога шукр. Энди денг, мени ёмон кўриб қолди хотиним. Нуқул «ажрашамиз», дейди. Ҳайронман, нимага мундай бўп қолди... Отахон, уни инсофга чақиринг. Фарзандимиз етим бўлмасин. Мен қуйиб кул бўламан... Яхшилигингизни кўринг. Бутун умр хизматингизни қиламан...

Бир замон хотини келди. Нима десам бўлади сенга? Ораларидаги фарқ — ер билан осмонча. Ундай чиройли жувонни умримда кўрганим йўқ, ишонавер. Соч тақимга тушади. Кўзларини — тоғ оҳусининг кўзи дейсан. Лекин, мулла йигит, оҳунинг кўзларида ҳуркаклик билан бирга норасида гўдак нигоҳидаги содда қизиқиш ҳам бўлади. У жувоннинг назарида эса, ҳе, аҳмоқона бир ифода бор эди, холос.

Мен Қурбонга:

— Ташқарига чиқиб тургин. Хотининг билан гаплашиб олай, — дедим. У чиқди. — Хўш, нима учун эрингдан ажрамоқчисан? — деб сўрадим жувондан.

— Яшамайман, истамайман, — деди у тап тортмасдан. — Кўрдингиз-ку, у — ажинанинг ўзи. Мен ўзимга муносиби билан яшамоқчиман, начайлик бобо. Бизни ажратиб қўйинг.

— Насиба синглим, — дедим. — Эринг билан ўн йилча яшабсан. У шўрликнинг ажиналигини энди пайқадингми? Бунинг устига, орангларда фарзанд бор.

— Мени бошдаёқ мажбур қилиб беришган эди бу рўдапога, — деди у. — Ўшанда нодон эканман, энди кўзим очилди... Ана телевизорда мендан хунук аёллар йигитлар билан...

— У телевизорда! — дедим.

— Йўқ, ўзимиздаям менга муносиблар бор экан, — деди у. — Ваъда беришганлариям бор...

Мен уни тушундим.

— На чора, — дедим. — Қолган гапни мелисахонада гаплашамиз энди. Райкомдаям сени билишади, женотделдаям. Отнинг қашқасидек бўп қолгансан, синглим, ёза-ёз қилиб... Қани, эшагингни мин, йўлга туш. Мен эринг билан яна икки оғиз гаплашиб олай, орқангдан етиб бораман.

Алқисса, яна Қурбон билан гаплашдим.

— Ука, хотинингни ҳақиқатан ҳам яхши кўрасанми? — деб сўрадим яна.

Қурбон бу сафар рўпарамда тиз чўкиб, саждага бош қўйгандай эгилди.

— Хўш, яна нима деди? — деб сўрадим Рамазон акадан.

— Ўша гап... Сизга биттаю битта соғин сигиримни бераман, деди. Бир-икки қоп ёнғоқ билан майизим бор, униям бераман, деди. Ишқилиб, хотиним мендан чиқиб кетмасин. Кетса, ўламан. Мен унга вафодор итдек боғланиб қолганман, деди. Уни бир-иккита шотирлар билан телевизор бузганга ўхшайди... — Рамазон ака янги сигарет тутатди. Кейин менгаям таклиф қилди. Виносидан ичмадим-у, сигаретдан олдим. Кейин у яна ғамгин тус олиб, ҳикоясини давом эттирди: — Менга сигирининг нима кераги бор! Тоғда бир сигир бир оилани боқади. Уни олиб қўйсанг, район марказидан сут-қатиқ ташийдими?.. Умуман, йигитча, мен порахўр эмас эдим. Мен ҳалол ишлардим, буйруқларни беками-кўст бажарардим. Тўғри, ижро усуллари баъзан жуда қабиҳ бўлган...

— Раҳмат, Рамазон ака, — дедим. — Мен анча нарсани тушуняпман.

— Хўш, сўнг Қурбонга айтдим: «Ўйда босиб ўтир. Менинг нима учун келганимни бировларга гапириб юрма. Хотининг бир кун-икки кун келмай қолса, хавотир олма... Мен қўлимдан келган ишни қиламан: сизлар ажрашмайсизлар», дедим. У мени дуо қилиб, ўлгунича хизматимга тайёр эканини айтиб қолди.

Ҳадемай Насибага етиб олдим. Отим қаерга қайтиб бораётганини сезиб ўйноқлайди: мелисанинг оти-да, катта боғда арпа еб кўпкарибоп бўп қолган.

— Эртаси Насибани чақириб, тағин насиҳат қилдим. «Эрингдан ажралишни эсингдан чиқар», дедим. У йиғлай-йиғлай яна ўз сўзида турди. Уни яна ўша камерага тиқтириб, янги дежурнига яна ўша буйруқни бердим: «Иложинг етмаса, ёнингга шерик ҳам олиб ол», дедим. Кейин нон, сув бермасликни тайинладим... — Рамазон ака хўрсиниб, анчагача юрагининг устидан силаб ўтирди. Кейин яна секин сўз бошлади: — Кейинги куни келиб, Насибани кабинетга чақиртирдим. Аҳ, сўлиб қолган эди. Ухламагани шундай билиниб турибди. «Синглим фикрингдан қайтмасанг, ўзингга қийин бўлади, — дедим. — Оилани бузиш мумкин эмас».

— Хўш, у нима деди?

— «Начайлик бобо, эрим билан яшайман. Бошқа ариза ёзмайман. Менга жавоб беринг», деди... «Яхши, мана энди эсинг кирипти, — дедим мен. — Ҳозироқ қишлоғингга кетасан. Лекин эсингда тут, бу ердаги айрим ишларни ҳеч ким билмаслиги керак». «Онт ичаман, худо урсин, ҳеч кимга айтмайман», деди у. Лекин, бировга айтсаям — нима, ким ишонади? Қолаверса, айтолмайди... Ҳе, Америкада у: «Мени изнасиловат қилди», деб юришади бузуқ аёллар ҳам. Бизда — йўқ. Ўзбечкаларнинг одатини биларсан...

— Лекин жудаям шафқатсизлик қилибсиз, амаки.

— На чора, — деди у қўлларини ёйишга ҳаракат қилиб. — Системанинг ўзи шундоқ эди-да.

— Тағин қонунни ҳимоя қилдим дейсиз.

— Албатта. Қонун сиёсатни ҳимоя қилар эди, — деб яна мийиғида кулимсиради. — Социализмни, унинг капитализмдан устунлигини...

— Лекин қонун ўшандай усулларни ишлат демагандир ахир?

— Албатта, — тасдиқлади Рамазон ака. — Лекин қонун «Социалистик оилани мустаҳкамлаш керак», дер эди. Қайси йўл билан? Бу — бизнинг ихтиёримизда эди...

— Даҳшат.

— Сен «даҳшат» дейсан, — деб тағин мийиғида кулди мўйловини силаб. — Ўша воқеадан кейин бир куни партком нинг кенгайтирилган мажлиси бўлди. Идеология секретари билан сенинг... бувинг ҳам қатнашди. Менга «Благадарнос» эълон қилинди. «Совет оиласининг мустаҳкамлаш бундай бўлади», дейишди. Зал гуриллаб чапак чалди.

Шунда Рамазон бобо тағин кўкрагини силамоқчи-уқаламоқчи бўлди. Аммо қўлида ҳам мадор қолмаганини сезиб, унинг ётишига кўмаклашдим.

Ўша тун мен узоқ вақт мижжа қоқмадим. Мен бу одамни барибир тушунолмаган эдим: уни ҳурмат қилишни ҳам, ундан нафратланишни ҳам билмасдим. Кейин беш-олти кун давомида бу чол ҳақида нимани ўйлаганимдан қатъий назар, ҳар кеч унга бир шиша вино билан бир пачка сигарет келтириб бериб турдим.

Кейин менга жавоб беришди. Рамазон чолга: «Сизни кўргани келиб тураман», деб кетдим.

Бувимнинг еттиси ўтиб бўлган эди. Йигирмаси ҳам ўтди. Тўйдан ўлимнинг ташвиши кўп бўлар экан: мен ҳам қўлимдан келгунча хизмат қилдим. Ниҳоят, опам билан кетадиган бўлдим, отам акам билан марҳумнинг қирқи ўтгунча қоладиган бўлишди.

Автобусга билетлар олинган эди. Кўлим бўшагани учун Рамазон чол билан хайрлашай, деб касалхонага бордим.

Тўғри учинчи қаватга чиқиб, ўзим ётган палатага кирдим. Чолнинг ўрни бўш, ҳамшира каравотга янги чойшаб ёпиб, чётларини тузатмоқда эди. Каравот пастида эса кийимлари ғижим бўлиб кетган бир киши чўнқайиб-букчайиб ўтирар, юзини кафтлари билан ёпиб олган, афтидан йиғлар эди.

— Опахон, бу каравотда Рамазон ака...

— У киши йўқ, — деб сўзимни бўлди ҳамшира. — Кеча оламдан ўтдилар. Инфаркт...

«Оламдан ўтдилар» сўзи айтилиши билан чўнқайиб ўтирган киши хўнграб йиғлаб юборди. Кейин кўзёшларини муштуми билан артиб, менга қаради-ю, мен... титраб кетдим: букчайган елкаси ҳамон чўққайиб турар — у букри эди; бунинг устига орангутандан фарқи йўқ, соқоли ўсиб кетган, иқирт дўппи тагидан чиқиб турган чакка сочлари оппоқ... ҳа, бу — Қурбон тўқимчи эди.

— Сиз унинг қариндошими? — деб аста сўради у.

— Йўқ, шунчаки танирдим, —дедим. — А, сиз-чи? — беихтиёр оғзимдан чиқди.

— Мен ҳам таниш эдим, — деди у. — Жуда яхши одам эди. Менинг рўзғоримни бузилишдан сақлаб қолиб эди.

Тошкент, 1997.

— Укажоним, кел, юришни ўргатай!

ЯШАРАЁТГАН ҚАДИМИЙ ШАҲАР

Эрта тонгда Тошкент-Бухоро йўналишидаги самолётдан тушган заҳоти шаҳар катта тўй тантаналарига тайёргарлик кўраётганини сездим. Янги аэропорт биносида охирги пардозлаш, ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Эндигина таъмирланиб кенгайтирилган Ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанд кўчаси бўйлаб шаҳар марказига йўл олар эканмиз, шу кунга қадар қилинган ишлар хаёлдан бирма-бир кечди. Ҳукуматимизнинг Бухоронинг 2500 йиллик юбилейини ўтказиш ҳақидаги қароридан сўнг Маданият ишлари вазирлиги Маданият ёдгорликлари Бош илмий ишлаб чиқариш бошқармаси тизимидаги Махсус илмий-таъмирлаш ишлаб чиқариш бошқармалари, «Ўзбектаъмиршунослик» илмий-текшириш ва лойиҳалаш институти ва «Қадрият» илмий-таъмирлаш» ишлаб чиқариш давлат корхонаси масъул иш бажарувчилар этиб тайинланди. Республика маданият ва тарих ёдгорликларини муҳофаза этиш ва таъмирлаш масалалари бўйича илмий-методик кенгаш аъзолари билан Бухоро вилоят ва шаҳар ҳокимиятларининг мутасадди ходимлари ҳар бир обиданинг келажаги, мўлжалланаётган таъмирлаш-тиклаш ишларининг асосий йўналишлари, ҳажми, иш бажарувчиларнинг имкониятлари ва бошқа масалалар юзасидан маслаҳат, фикр алмашинувлар ўтказдилар. Вазирлар Маҳкамасининг «Калон» масжидини таъмирлаш ҳақидаги алоҳида фармойиши чиқди. Маданият ишлари вазирлиги Маданият ёдгорликлари Бош илмий ишлаб чиқариш бошқармаси тизимидаги барча ташкилотлари йиғилиб, аниқ иш жадвалини белгилаб олдилар.

Дастлабки манзил Лаби Ҳовуз меъморий мажмуаси бўлди. Мажмуадаги энг салобатли, кекса Кўкалдош (1568-1569 й.й.) мадрасасининг марказий пештоқи ва ён қанотларидаги таъмирлаш ишларини самарқандлик, ҳовли саҳни ва тарзларидаги ишларни шаҳрисабзлик усталар якунлаб қолибдилар. Айниқса, бош пештоқ «китоба»сидаги нақшинкор ҳошияга олинган арабий битик ва равоқ устидаги кошинкор безаклар, таъмирдан чиққан ўймакор эшик нуроний мадраса жамолини очиб, янада салобат бахш этган. Нодир Девон беги мадрасасининг (1622 й.) ёнидан оқиб ўтаётган Шоҳруҳ ариғининг нами таъсирида кўча бошлаган кошинкор қопламалари махсус тадбирлардан сўнг яна асл ҳолларига келтирилибди. Ҳовли саҳни ва тарзи ҳам юбилей қабул маросими учун тайёр. Нодир Девон беги хонақоҳи (1620 й.) биноси жорий таъмирдан сўнг янада жозибадор, мафтункор бўлган.

Шоҳруҳ ариғи бўйлаб Саррофон мажмуасига етиб келдик. Савдо расталари билан гавжум гумбазнинг чап томонидан жойлашган Саррофон ҳаммомини таъмирлаш-тиклаш ишлари поёнига етиб қолибди. Хона деворларининг изора қисмларидаги нақшинкор кошин безаклар, саҳнидаги мармар қопламалар (ҳаммомнинг ерости иссиқ ҳаво билан иситиш каналлари ҳам таъмирланди), гумбазлардаги нафис гишт термалари, кириш қисмидаги янгидан бунёд этилган қурилмалар мижозлар ташрифига тайёрланмоқда.

Шўро ҳукумати даврида ярмидан кўпи бузилиб, қолгани спорт асбоб-анжомлари омборхонасига айлантириб ҳароба ҳолатига келиб қолган Хўжа Калон мажмуасида археологлар дастлаб бинонинг еростида сақланиб қолган пойдеворларини қалин тупроқ қатламлари остидан қидириб топдилар. Ҳовли саҳнидан неча тонналаб тупроқ ва ташландиқ буюмлар ташиб чиқарилди. Сўнгра «Ўзбектаъмиршунослик» илмий-лойиҳа институти меъмор ва муҳандислари томонидан тайёрланган лойиҳа асосида (Бухородоги мавжуд меъморчилик ёдгорликларини таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга ошириш учун барча лойиҳа-ҳисоб ҳужжатлари ушбу жамоа аъзолари томонидан тайёрланган) кириш пештоқи, гумбазли галереялар ва бошқа қисмлар шаҳрисабзлик усталар томонидан таъмирланди. Ҳовли саҳни чорсу гиштлар билан қоплангандан сўнг яна бир қадимги обида ўзининг асл



бўйи-басти, қиёфаси билан намоён бўлади.

Маҳобатли Бухоро Арки. Регистон майдонида ободонлаштириш ишлари тугалланмоқда. Аркнинг ғарбий гиштин деворига монанд қилиб поёнига етказилаётган жанубий ва шарқий қисмларида қалъа деворини таъмирлаш-консервациялаш ишлари ҳажми ва ўлчамлари билан ажралиб турибди. Ниҳоятда нураб, қулаб тушиш хавфини солиб турган шарқий ва шимолий қисмлардаги пахса ва хом ғиштдан бунёд этилган деворнинг ҳалокатли бўлаклари бартараф қилиниб, асоспойдеворлари мустаҳкамланди, деворнинг тик қисми тикланаяпти.

Аркнинг ичкари қисмида жойлашган Ноғорахона, Саломхона ва Кўринишхоналарда таъмирлаш-тиклаш ишлари тугалланмоқда.

Пойи Калон меъморий мажмуи... Неча асрлар мобайнида қанчадан-қанча тарихий воқеаларга гувоҳ, буюк алломалар ва шахсларнинг қадамжолари теккан муқаддас ер.

Асримизнинг 90-йилларига келиб, Калон масжидининг ғиштин устунли чорсу равоқларга ўрнатилган 288 гумбазли айланма йўлаклари, маҳобатли гумбазли хонақоҳ қисми сурункали қаровсизликдан, 1984 йилдаги Газли зилзиласидан сўнг вайрона ҳолига кела бошлаган эди. Мамлакатимиз мустақилликка эришгунча бу ҳолатни бартараф этишга қаратилган уринишлар, катта маблағ талаблиги туфайли, фақат масжиднинг бир қисминигина жорий таъмирлашга йўналтирилгани сезиларли натижа бермади.

Калон масжидининг меъморий обида сифатидаги жаҳон маданияти тарихидаги ўрни, маънавий-маърифий жиҳатдан мамлакатимиз фуқаролари орасида эгаллаган мавқеи инобатга олиниб, ҳукуматимиз раҳбариятининг ташаббуси билан уни мукаммал таъмирлаб-тиклаш ва у ерда ибодатчилар учун замонавий шарт-шароитлар яратиш ҳақида 1996 йил 22 майда махсус фармойиш қабул қилинди.

Дастлабки ишлар ҳалокатли ҳолатга келиб қолган жанубий-ғарбий қисмдаги ғиштин устунлар ва гумбазларни таъмирлаб-тиклашдан бошланг марказий пештоқини муҳандислик усуллари билан мустаҳкамлаш ва юзаларидаги мозаика ва майолика қопламаларни таъмирлаш-тиклаш ишлари самарқандлик усталар томонидан поёнига етказилмоқда.

1944 йилнинг баҳоридан ер ости сувларининг кескин кўтарилиши ва Газли зилзиласидан зарар кўрган Чор Минорнинг шимоли-шарқий минораси қулаб тушган эди. Ҳалокатли вазият бошқа қисмларга тарқаб кетмаслигининг олдини олиш мақсадида зудлик билан шимолий-ғарбий минорага тезлама тирговлар ўрнатилди. Лойиҳачи ва тадқиқотчилар томонидан бу обидани тезлик билан таъмирлаш-тиклаш, лойиҳаси тайёрланди ва бу ишларни амалга ошириш устазодалар авлодидан Усто Азим Ҳайитовга топширилди. Усто Азим анъанавий усулларни қўллаб, шогирдлари билан қулаб тушган минорани харсанг тош пойдеворидан бошлаб, гиштма-гишт тахламлари орасига арча дарахтидан тайёрланган боғлагичлар қўйиб кетди. Шу йилнинг май-июн ойларида ЮНЕСКО томонидан ёрдам сифатида туҳфа этилган пармаловчи ва катта босим остида суюқлик юборувчи анжомлар (ЮНЕСКОнинг эксперти Роджер Кеппс ушбу анжомлар билан келиб, бухоролик усталар билан ҳамкорликда иш олиб борди) ёрдамида обиданинг қолган қисмлари мустаҳкамлаб таъмирланди. Мадраса ҳовлиси ободонлаштирилди.

Бошқа обиталарда ҳам таъмирлаш-тиклаш ишлари қизғин олиб борилмоқда. Таъмирчи-усталарнинг ниятлари — Бухоронинг 2500 йиллиги кенг байрам этиладиган кунларга обиталарни асл эгаларига топшириш. Биз эса уларга эзгу ниятлари ижобат бўлишини тилаймиз.

Қуёш қизариб, уфққа ён бошламоқда. Сомонийлар мақбараси қуёшнинг сўнгги зарраларидан худди олтиндек жилоланганда Ҳазрати Инсон, Аллоҳ Таолонинг иродаси билан нималарга қодир эканлигини кўрдим. Ушбу обиталарнинг умрини имконият даражасига қараб, авлоддан-авлодларга етказишга хизмат қилган Усто бобокалонларимизнинг руҳлари шод бўлиб, Худо раҳмат қилсин. Бугунги устазодаларнинг эса умрлари узоқ бўлсин.

ишлов бериб туриш ва намлик ўтишининг олдини олиш ва ҳимоялаган тақдирдагина ижобий натижалар бериши мумкин.

Худо хоҳласа, бунга умидимиз катта. Калон масжиди таъмирдан сўнг яна ибодат учун келган мусулмонлар билан гавжум бўлади.

Мири Араб мадрасасини-

Абдусафи РАҲМОНОВ

САНЪАТИ ҲАЛАЛҚУ ҲУЗУРИДА

Экран санъатимиз оқсоқоли, уруш фахрийси, Меҳнат Қаҳрамони Малик Қаюмов муборак 85 ёшини кутиб олмоқда. Унинг 63 йиллик ижодий фаолияти она юртимиз ҳужжатли киноси босиб ўтган йўл, янгиликлар, кашфиётлар билан чамбарчас боғлиқ.

1934 йили М.Қаюмов елиб-югуриб, оғир кино аппаратини ўрнатиб Эски шаҳар истироҳат боғида ўтказилган халқ сайли кўринишлари, республика қишлоқ хўжалиги ва меҳнат илғорларига ҳукумат мукофотларини топшириш дақиқалари муҳрланган дастлабки йирик ҳужжатли экран асарини яратди. Ўшандан буён меҳнат мавзуи ва бунёдкорлик ижодий фаолиятида асосий ўринни эгаллади.

Ўрта Осиёдаги энг йирик корхона — Тошкент Тўқимачилик комбинатига, Чирчик, Оҳангарон, Бекобод, Олмалиқ, Навоийга тамал тошлари қўйилиши ва саноат марказларининг дастлабки дадил одимларини камера билан кинойилномага муҳрлашда М.Қаюмов катта ташаббус ва жон-

бозлик кўрсатди.

1938-1939 йиллар санъаткор «Ўзбеккиноҳроника»нинг кино мухбири бўлиб, Қирғизистон ва Қозоғистон республикаларини неча бор кезиб чиқди. Қондош халқлар ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётидан юзлаб кинолавҳалар тайёрлади. Қирғизистон, Жанубий Қозоғистон мавзуларида тўла ҳажмли филмлар яратди.

50-йилларгача М.Қаюмов кинематографик тасвирий воситалардан унумли ва ўринли фойдаланишга интилди. Бу борада синхрон съёмка, овоз фонограммаси тасвирга уйғунлашган ҳолда мустақил компонентга айланди. 30-йилларда М.Қориёқубов бошчилигида ўзбек мусиқали драма труппасининг чиқишлари, Тамарахоним ижросида «Хоразмча», «Уфор» рақси, М.Турғунбоева ижросида фарғонача ва уйғурча халқ рақслари экранда ўзгача жилоланди. 40-йилларда Аброр Ҳидоятовни Фарҳод ГЭС қурувчилар ҳузурида Отелло ролида кўрамиз. Кейинги кинокадрлар иккинчи жаҳон урушининг дастлабки кунларига йўллайди. Оташин шоир Ҳамид Олимжоннинг душмандан қасос олишга даъват қилган шеърларини ўқиётган ҳолатдаги қиёфаси кўз ўнгимизга келади. Урушнинг тўрт йили давомида уч фронтдан, олдинги марралардан, жанг майдонларидан юборилган кинорепортажлар ҳарбий оператор, инженер-капитан М.Қаюмовнинг жанговар фаолиятига тааллуқлидир. Алангали йиллар кинойилномаси уруш киноэпопеясидан муносиб ўрин эгаллаган. Уруш фахрийси М.Қаюмов икки марта оғир яраланганини, иккинчи гал ҳарбий госпиталда, тўшакка маҳкум ҳолда 11 ой-у 27 кунни азоб-уқубатда ўтказганини асло унутмайди. Оқсоқ оёқдаги оғир жароҳатлар ҳануз ўқтин-ўқтин ўзини билдириб туради.

Урушдан кейинги ярим аср давомидаги баракали ижод жараёнида санъаткор мавжуд анъаналарни изчил давом эттирди, янги жанрларда янгича мазмундаги асарлар дунёга келди.

М.Қаюмовнинг эсдаликлар китобида операторлик санъатини эгаллашдаги бирдан-бир устози Д.Демуцкий шаънига юрак сўзлари битилган. Устоз ва шогирд муносабатлари ифодаланган хатёзишмалар мавжуд. Сатрлар заминида аччиқ ҳаёт ҳақиқати ётади: буни қарангки, такрорланмас санъати билан жаҳонга танилган украин оператори Д.Демуцкий тоталитар партиянинг, большевиклар сиёсатининг жабрдийдаси бўлган. Миллатчиликда айбланган. Бундан 62 йил муқаддам Тошкентга итоб қилинган. «Узкинохроника» директори А.Ким билан операторга маслаҳатчи қилиб ишга олинган..

«Баҳор ўлкасида» (1938 йил) бадиий-ҳужжатли публицистик филмини ишлаш жараёнида бош оператор Д.Демуцкий украин режиссёри А.Кордюм бошчилигида махсус киноэкспедиция машинасида республикамиз бўйлаб 15 минг км масофа йўл босиб, кенг кўламда кино ва фото съёмкалар ўтказган, улардан намуна фотолавҳалар санъаткорнинг Киевдаги шахсий архивида эъзозланиб сақланади.

Она диёрига қайтгандан кейин кўп ўтмасдан уруш бошлангач, Д.Демуцкий умр йўлдоши билан бирга республикамизга келган, бу ерда шогирди М.Қаюмов хонадонидан бошпана топган. Кейинчалик «Насриддин Бухорода», «Тоҳир ва Зуҳра», «Насриддин саргузаштлари» каби кино дурдоналар ва бу соҳадаги хизматлари учун Д.Демуцкийга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби деган фахрий унвон берилган. 50-йилларнинг биринчи ярмида тоталитар тартиб сиёсати оқибатида ҳатто халқ оғзаки ижоди намуналарини ўрганишга қарши, тадқиқотчи-фолклоршунос олимларни космополитизмда айблаган кампания авж олдирилди. Бу кампания миллий маънавият — маданиятга, санъатга, бу соҳалардаги ижод жараёнларига жиддий ғов-тўсиқларни келтириб чиқарди.

Журналист, кинодраматург Г.Димов шундай олағовур муҳитда режиссёр М.Қаюмов бошчилигида қорақалпоқ халқ бахшиси Қурбонбой Тожибоев қиссасидан фойдаланишга жўръат этилганини, 1956 йили Қорақалпоғистонга бағишланган киноочеркда воқеалар баҳши тилидан баён қилинганини эслайди.

«Ўзбекистонимизга келинг» (1958 йил, сценарийчилар Ю.Каровкин, С.Муҳамедов, режиссёр М.Қаюмов) филмидаги сўнгги новелла «Санъат — халқ қалбида демак» деб номланган. Мазкур филмдаги синхрон кўринишлар ғоят жозибали ва қизиқарли бўлиб, аскиячиларнинг заковати, кутилмаганда қизғин айтишувлари бутун ҳарорати билан ифодаланган. Бу филм ҳужжатли киномиз йўналишида бурилиш даврини бошлади. Жумладан, Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари Тошкент анжумани қатнашчилари томонидан қизғин кутиб олинди. Режиссёр М.Қаюмовнинг навбатдаги «Аския» (1964 йил) репортаж-филмида фақат ўзбек халқига хос жонли айтишув — сўз санъати жараёни, санъатдаги миллийлик, миллий руҳ қиёмига етказилди.

Шаҳсга сиғиниш ва турғунлик йилларида кўп .асрлик улкан маданий меросимиз экран воситасида кўнгилдагидек тадқиқ этилмади. Масалан, буюк мутафаккир Алишер Навоий ҳақида фақат юбилей маросимларида махсус «тематика чиқариш»лар билан чекланилди. Фақат 60-йилларнинг иккинчи ярмидан бу мавзуни ёритишда дастлабки одимлар ташланди. Етук навоийшунос олим, сценарий ва филм матни муаллифи сифатида Ҳамид Сулаймонов, режиссёр М.Қаюмов, операторлар Т.Нодиров, Д.Салимов ҳамкорликда икки йил давомида «Устод Алишер Навоий» номли қора-оқ тасвирдаги оддий ва кенг экранли ҳужжатли рангли филм устида ижодий иш олиб бордилар.

«Тожихон билан учрашувлар» (1966 йил) кинопортрет-очерк бадиий маҳорат нуқтаи назардан қимматлидир. Қаҳрамоннинг ҳаққоний талқини ва ҳикоянавис М.Қаюмовнинг маҳорати туфайли 30 йиллик ҳаёт саҳифалари бор-йўғи 30 дақиқа давомидаги экран санъати асарига жо бўлган.

Бадиий раҳбар М.Қаюмов Москва кинематография институтида режиссёр-оператор кадрларни тайёрлашга қўлдан келган ёрдамини аямади, институтни тамомлаган бадиий кинонинг қалдирғоч режиссёрлари мунтазам равишда иш билан таъминланди. Энг муҳими, «Ўзбекфилм»нинг постановкачи-режиссёрлари Л.Файзиев, А.Ҳамроев, Ҳ.Аҳмар, Э.Эшмуҳамедов, А.Қобулов, У.Назаров, Ҳабибулла Файзиев, Т.Юнусов, А.Акбархўжаев, Ю.Собитов, Ю.Азимов ва бошқалар билан ҳамкорлик ўрнатилди.

Санъаткорнинг «Салом, Баҳор», «Санъатга бахшида умр» филмлари ҳужжатли кино тарихига доир асарлардир.

Тилга олинган биринчи филм жанрга ижодий ёндашув натижасидир. Одатда бир жойда ўзини уринтирмасдан осонгина съёмка ўтказиш билан чекланиш ўрнига, бу гал бутун республика суратга олиш майдонига айланган; Фарғона водийсининг диққатга сазовор, гўзал табиат манзаралари фонида М.Қаюмов бошчилигидаги кино ҳужжатчилар учун республикамиз неча-неча бор суратга олиш майдони бўлди. Шунингдек, Афғонистон, Ҳиндистон, Вьетнам, Бангладеш, Миср, Сингапур, Малайзия, Индонезия, Жазоир, Сомали ва бошқа мамлакатлар халқлари ҳаётидан олинган филмлар ҳам устоз ва шогирдларнинг ҳамкорликдаги изланишлари, ижод машаққатлари, маҳоратлари самарасидир.

Мустақиллик, миллий истиқлол ҳужжатли киномизга ҳам янги ҳаёт нафасини олиб кирди. Кўп асрлик анъаналаримиз, маданиятимиз тарихи ҳамда табаррук бобокалон алломаларга, қатағон йиллари қурбонларига бағишланган филмлар экранга йўлланма олдилар. Лекин шуни айтиш керакки, киноҳужжатчиларимиз ҳар куни асрга татигулик давримиз талабларидан орқада қолмоқдалар. Ажойиб замондошларга, мамлакатимизда юз бераётган оламшумул воқеа-ҳодисаларга ҳозиржавоблик билан фаол муносабат билдирадиган, ҳаммага манзур бўладиган ҳужжатли экран асарларига эҳтиёт катта.

Абдуборий ҲАСАНОВ

САМАРҚАНД МЕЪМОРИ

Уйғониш даври мутафаккирлари, жумладан, Алишер Навоий ҳам ўта серқирра фаолият эгаси бўлган. Шунинг учун Навоий ва меъморчилик — ўзаро узвий боғлиқ тушунчалар ҳисобланади.

Шоир замонаси, чиндан ҳам, ўзбек учун миллий кўтарилиш даври эди. Маданият ҳар тарафлама гуллаб-яшнади. Ҳирот Шарқнинггина эмас, бутун Ер юзининг ажиб маънавият ва илму маърифат марказларидан бирига айланди. Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлиги даври (1469—1506)да қад ростлаган меъморий обиданларнинг ўзинигина ҳисобга олганда ҳам, бунга амин бўласиз.

Бу иморатларнинг кўпи Алишер Навоийнинг ташаббуси, маблаги билан, бевосита унинг раҳбарлиги остида барпо этилган.

1994 йили улуғ шоир таваллудининг 553 йиллиги нишонланадиган кун арафасида Самарқанднинг Ургут туманида истиқлол руҳи ва халқ ташаббуси билан бунёдга келган миллий меъморчилик ва халқ амалий санъати мажмуи учун бинокорларнинг бир гуруҳига Алишер Навоий номидаги давлат мукофоти берилганида ана шу мутаносиблик ҳақида ўйлаган эдим.

Яқинда шу мукофот соҳибларидан бири — Мусо Ҳусейнович Ғуломов билан суҳбатлашиб қолдим.

... Самарқанд шаҳрида туғилган, осмонўпар миноралар, кўзни қамаштирадиган, ақлни шоширгудек гўзал масжиду мадрасаю мақбаралар ичра улғайган йигитнинг мурғак қалбида: «Мен келажакда меъмор бўламан!» — деган орзу қуртак отганига ажабланмаслик керак. Талабалик йиллари эса бундан беш асрдан кўпроқ давр муқаддам Мирзо Улуғбек қурдирган, Али Қушчи, Хожа Аҳрор Валий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоийларни... кўрган иморатлар олдидан ўтиб, дарсга борар экан, Архитектура-қурилиш институтига бекорга Мирзо Улуғбек номи берилмагани ҳақида ўйларди. Шунда кўнглида: «Мен ҳам келажакда ана шу эски анъаналаримиз руҳига уйғун иморатлар қуришга ҳисса қўшаман», — деган эзгу ният пайдо бўлиши табиий эди.

Шундай бўлди ҳам. Қарши шаҳар бош архитектори вазифасини бажарувчи, Қарши шаҳар қурилиш бошқармаси бош архитектори, Самарқанд вилояти қурилиш ва архитектура бўлими бошлиғининг муовини, бўлим бошлиғи — вилоят бош архитектори бўлиб ишлаш шу орзуларини рўёбга чиқариш учун имкон туғдирди.

Умр тез ўтади. Қилинган иш, бунёд этилган иморатлар эса ҳаётнинг йиллари бўлиб сўзлаб туради. Улар бугун ўз меъморини — лойиҳа муаллифини Қаршида, Толимаржонда, Хатирчининг Янгиработию Нуротанинг Деҳибаландида, Каттақўрғоннинг Пайшанбасию Иштихону Қўшработда, Ургутда, Самарқанднинг ўзида кутиб олади. Унинг лойиҳаси асосида Самарқанднинг Қашқадарё, Жиззах, Навоий вилоятлари, шунингдек, Пахтачининг Нарпай тумани билан чегараларида қурилган бинолар эл хизматида.

Иш билган одам тиниб-тинчимас экан. Самарқанддек вилоятнинг бош меъмори ўзи ўқиган институтда шаҳарсозлик назариясидан таълим беришга ҳам, йирик хорижий мамлакатларда ўтадиган нуфузли халқаро анжуманларда ўзбек меъморчилиги тажрибалари асосидаги маърузалари билан иштирок этишга ҳам улгуради.

Бежиз эмаски, шу йилнинг 22 мартида Халқаро Архитектура академияси уни профессорликка сайлади. Бу — ўзбек архитетурасига берилган баҳо.

Қотмадан келган, тик қомат, чаққон, касбининг хусусиятидан келиб чиқибми, ишқилиб, аниқ-аниқ, пухта-пухта сўзлайдиган бу одам билан гурунглашиб, чарчамайсиз:

— Архитектурада маҳаллий анъана кучли бўлади. Чунки у табиий омиллардан келиб чиқади. Ҳар жойга шароитини ҳисобга олиб туриб иморат қуриш керак. Архитектура минтақавий талабларга жавоб бериши, ана шу муайян макон табиатига мос ва унга ўйсунган бўлиши зарур.

... Ургутсой устига қурилган, саҳнида шоирнинг ҳассага таяниб ўтирган ҳолати акс эттирилган ҳайкали ўрнатилган шинам, шарқона руҳда сайқалланган марказий кутубхонада мутолаа қилаётган ҳар қандай китобхон қалбида бу иморат бунёдкорлари, жумладан, унинг лойиҳачисидан миннатдорлик ҳисси уйғонади.

Челак туманидаги Имом ал-Бухорий қабри ўзра қурилган қадим иморатларга ҳамоҳанг биноларни кўрган маҳаллий ва хорижий зиёратчилар қилган дуолар савоби Мусо Ғуломовга ҳам тегади.

Меъморнинг иморатларга кўчган тасаввурот оламини кўриб, беихтиёр: «Лойиҳа чизиш учун ҳам шоир бўлиш керак экан», — деб ўйлайсиз. Яна Навоий эсга тушади. Нозик вобасталиклар топгандек бўласиз.

Мусо Ғуломов элликка тўлди. Самарқандни бундан буён ҳам «сайқали рўйи замин» этиш ишқи, кўнгилдаги оламолам орзулари, қурилажак гўзал бинолар, обод этилажак шаҳару қишлоқлар режалари меъморни яшашга, ишлашга, юрт учун жон куйдиришга ундайди.

Шундай фарзандлари бор юрт гуллаб-яшнайверади.

Омад Сизга ёр бўлсин, Мусо ака!

Султонмурод ОЛИМ

СУРАТЛАРДА: меъмор Мусо Ғуломов лойиҳалаган бинолар

КИЧИК АШРАФИЙНИНГ КАТТА ИШЛАРИ

Машҳур композитор оиласида ўғил фарзанд дунёга келганда уни Феруз деб атадилар. Кўнгли тоғ каби мағрур ёш ота, балки ўғлим улғайганда Феруз шоҳ каби ҳам бастакор, ҳам шоир бўлади, деб орзу қилгандир... Лекин тақдир тақозоси ва кўнгил иштиёқи Ферузни бошқа манзилларга чорлади! У архитектурага кўнгил қўйди. Шу ўринда «Архитектура — бу тошда ёзилган мусиқадир!» деган машҳур иборани эслатиш ўринли. Бинобарин, Феруз Ашрафий бари бир ота касбига яқин соҳани танлаб, унда баракали ижод қилаётган меъморлардан, десак хато қилмаймиз!

Феруз Ашрафий иш фаолиятининг дастлабки йилларида собиқ Иттифоқ Фанлар академиясига қарашли илмий-лойиҳалаш институтининг Тошкент филиалида ишлади, сўнгра Москвадаги ўқув бинолари ва иншоотларини лойиҳалаш илмий-текшириш тажриба институти аспирантурасига кириб ўқиди, архитектура номзоди илмий даражасини олиш учун 1970 йили диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Феруз Мухторович, айниқса, Тошкент минтақавий тажриба лойиҳалаш илмий-текшириш институтида баракали меҳнат қилди. 14 йил давомида кичик илмий ходимдан институт бўлим бошлиғи ва бош архитектор лавозимигача бўлган барча погоналарда сермазмун фаолият кўрсатди.

Унинг йирик лойиҳаларидан бири Тошкентдаги авиасозлар маданият саройи бўлиб, у ихчамлиги, замонавий ускуналар кенг қўлланганлиги билан ажралиб туради. Муаллифлар гуруҳи қатори Феруз Ашрафий бу бино архитектураси учун Ҳамза мукофотининг совриндори бўлган.

У кишининг илмий фаолияти ҳам сермазмун бўлиб, 100 дан

ортиқ мақола, рисола ва албомлар муаллифидир.

Феруз Мухторович раҳбар ва ташкилотчи сифатида кўп ишларни амалга оширди. 1979 йилдан 1992 йилгача Республика Маданият ишлари вазирлигининг ёдгорликларни муҳофаза қилиш Бош бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлади. Республикамиз меъморлар жамоатчилиги 1992 йили уни Ўзбекистон Республикаси Меъморлар уюшмасига раис қилиб сайладилар.

Архитектор ижодий фаолиятида Хивадаги Ичон-Қалъа мажмуаси ёдгорликларини таъмирлаш (1980—1983 йиллар), Бухородаги ёдгорликлар мажмуасини таъмирлаш (1980—1990 йиллар), шунингдек, Самарқанд, Термиз ва бошқа кўҳна шаҳарлардаги ёдгорликларни таъмирлаш лойиҳалари алоҳида ўрин тутади.

Мустақил Ўзбекистоннинг янги бунёдкорлик ишларида меъморлар, ҳайкалтарошлар, халқ усталари, муҳандис ва қурувчилар қаторида Феруз Ашрафийнинг ҳам ижодий ҳиссаси борлигидан мамнунмиз. Унинг хизматлари меъморлар уюшмасининг қатор дипломлари, Ўзбекистоннинг адабиёт, санъат ва архитектура соҳасидаги Давлат мукофоти, АҚШ меъморлар уюшмасининг Кеннеди номидаги мукофоти, Оға-хон (1996 й.) фонди халқаро мукофоти билан тақдирланган. (Феруз Ашрафий Шарқ давлатлари Меъморчилик академиясининг ҳақиқий аъзоси — 1994 й.)

Бугунги кунда кўпларнинг устозига айланган Феруз Ашрафий салкам 40 йиллик иш фаолияти давомида бажарган барча илмий, лойиҳа ва амалий ишларни сарҳисоб қилишнинг имкони бўлмаса-да, ижодкорнинг айрим ишларидан намуналар келтиришни лозим топдик. Шояд бу нарса унга ўтган кунларни бир лаҳза эслатиб, ҳузур бағишласа.

Феруз Ашрафийга соғ-саломатлик, ижодий муваффақиятлар тилаймиз!

Тўлқиной ҚОДИРОВА,
Ўзбекистон Меъморлар уюшмасининг Фахрий раиси, Тошкент Архитектура-қурилиш институти профессори

МАЪРИФАТ САБОҚЛАРИ

Ҳар душанба куни «Маърифат дарси»ни ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Божхона қўмитасида анъанага айланиб қолган. Навбатдаги ана шундай сабоқ Президентимизнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китоби таҳлилига бағишланди. Машғулотни техника фанлари доктори, профессор С.Салимов олиб борди.

Олим асарни учга бўлиб ўрганишни тавсия этди ва ўзи ҳам шунга риоя қилди. Бинобарин, биринчи бобда минтақавий можароларнинг келиб чиқиш сабаблари, ушбу вазиятдан ўзлари учун кони фойда излаётган ва айрим ҳолларда ниятларига эришаётган мамлакатлар, давлат арбоблари ҳақида гап юритилади, уларнинг асл мақсад-ниятларининг туб моҳияти фош қилинади. Мисол тарақасида салкам йигирма йилдан буён уруш олови ўчмаётган Афғонистон, анчадан бери тинчи йўқолган Тожикистон тақдири келтирилган. Ушбу мамлакатлардаги аҳвол минтақавий тангликни келтириб чиқармоқда. Бундан манфаатдор кучлар ҳам бор, албатта. Айни чоғда, можароларнинг авж олиши асрлар оша бир тану бир жон бўлиб яшаб келаётган халқлар ҳаётига раҳна солишга қаратилгани ҳам ҳеч кимга сир эмас. Аҳвол шундай давом этаверса, минтақавий кескинликлар бошқариб бўлмайдиган даражага бориб етиши, тузатиб бўлмас фожиалар рўй бериши эҳтимолдан холи эмас. Юртбошимиз худди ана шуларни назарда тутиб: «У Марказий Осиё минтақавий барқарорлик ҳолатига, жумладан, Ўзбекистоннинг миллий хавфсизлигига салбий таъсир кўрсатмай қолмайди», — деб таъкидлайди.

Нотинчлик ва уруш хавфи Марказий Осиёдаги давлатларнинг эркин бозорга киришдаги кўплаб тўсиқларни рақобатсиз енгиб ўтишига имкон яратади, чегарадош мамлакатлар ўртасида миллий, диний-этник қарама-қаршиликларни, «қочоқлар» муаммосини келтириб чиқаради. Бунинг учун қурол-яроғ, наркотик моддалар билан бизнес қилишга берилиш, уларнинг бозори учун макон тайёрлаш ишлари олиб борилмоқда. Асарда бу ҳақда алоҳида тўхталиб ўтилади. Демак, хавф солувчилар ушбу жиноят турлари орқали халқларни, тинч мамлакатларни қийнаб, улар ҳисобига бойишни ҳам мақсад қилиб қўйган бўлсалар, ажаб эмас.

Домла, асарга таянган ҳолда, навбатдаги хавф диний экстремизм ва фундаментализм эканлигини, бу борада ислом экстремизми бугун реал хавф сифатида майдонга чиққанлигини айтди. Ҳақиқий диний таълимотни бузиб талқин қилиш ёки халқлар онгига зўрлик билан сингдириш нақадар хавфли эканлигини асар ғоясидан келиб чиқиб таҳлил этди. Зеро, ушбу хавф сабабчилари бўлмиш «чаламуллалар» ўзларини ҳақиқий дин пешволари сифатида кўрсатишга уринмоқдалар, иймон, ахлоқ ҳақида оғиз кўпиртирмоқдалар. Лекин диний даъватлар ҳеч қачон ҳокимият ишларига аралашиш ва ҳокимият учун курашиш борасида байроқ бўла олмайди. Бир қўлида Қуръону иккинчисида қурол ва сиртмоқ ушлаган ҳолда иш тутиш даҳшат, энг катта хавфдир.

Китобда таҳлилга асос бўлган яна бир хавф — шовинизм ва агрессив миллатчилик ҳисобланади. Мустақиллик йўлидан шаҳдам бораётган Ўзбекистоннинг тараққиёт одимларини тан олишга қурби етмаётган ёки хоҳламаётган кучлар мавжудлиги бор гап. Тарих ғилдирагини орқага айлантириш учун уринишларга ҳам кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Президентимиз бу ҳақдаги фикрларини шундай хулосалайди: «Ундан кўра уларнинг Ўзбекистон билан ҳар томонлама манфаатли, тенг ҳуқуқли ҳамкорлиги фойдалироқ ва самаралироқ бўлар эди».

Муаллиф тоғли Қорабоғ, Чеченистон, Югославия, Фарғона, Паркент, Ўш ва Тожикистон воқеаларига холис баҳо бераркан, халқимиз бирлиги ва жиплиги, тинчлик ва осойишталиги бебаҳо бойлик деб атайди, ҳар биримизнинг бу нозик соҳада ўйламасдан қадам босмасликка ундайди, каттами-кичикми, бундан қатъий назар, миллат (этник гуруҳ)нинг ғурурига тегиб кетмасликни маслаҳат беради. Дунёдаги 200 га яқин давлатда 1600 дан кўпроқ этник гуруҳлар яшайди. Кўп миллатли давлатда яшаётган бошқа миллатлар вакилларининг сиёсий хайрихоҳлиги ўша давлат ички сиёсий аҳволининг барқарорлиги, миллий хавфсизлиги ва ижтимоий-сиёсий ривожи даражасига бевосита боғлиқдир. Бу ҳақда китобда алоҳида таъкидланган.

Профессор С. Салимовнинг фикрича, И. Каримов ўз асарида Ватанни, миллатлараро ва элатлараро тенгликни, биродарлик мезонини эҳтиётлашга чорлайди.

Яна бир хавф — коррупция ва жиноятчилик ҳақида. Барча давлатларда бу иллатларга қарши курашиш услублари, тажрибалари бор. Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтаётган, юртимизда мулкдорлик шаклланаётган бугунги кунда, айниқса, иқтисодий жиноятчиликнинг коррупция деб номланаётган тури катта хавфдир. Унинг замирида шахсий бойлик орттиришга интилиш, уруғ-аймоқчиликни авж олдириш, мансабпарастлик ётади. Бу хавф давлатнинг конституциявий, жамиятнинг маънавий-ахлоқий асосларини беҳад емириши, тараққиётга ғов бўлиши, ислоҳотлар қиймати-ни пасайтириши, ёшларни тўғри йўлдан оғдириши, ҳатто жамиятни ҳаром йўл билан бойлик тўплаган жиноятчи унсурлар бошқаришигача олиб бориши мумкин. Шу боис юртбошимиз коррупцияга қарши курашни асло сусайтирмасликка чақиради. Бу ишга божхоначилар ҳам катта ҳисса қўшишлари лозим. Профессор С. Салимов бу ҳақда алоҳида тўхталиб ўтди.

Китоб муҳокамасида қўмитанинг ҳуқуқ бошқармаси бошлиғи Олим Хўжаев, экспертиза лабораторияси бошлиғи Иброҳим Асқаров, қўмита раиси ўринбосарлари Саидазим Орипов, Шодмонбек Раҳимов ва бошқалар қатнашдидар.

Собқдошлар асардаги муҳим қоидалар асосида ўз фаолиятларини такомиллаштириш, бозор муносабатларига ўтиш жараёнида божхоначилар мавқеини ошириш, ҳар бир ходимни шаҳодатдан ўтказиш тадбирини амалга ошириш йўлларини режалаштириб олдилар. Китобни қўмитанинг ҳамма ҳудудий бошқармаларида муҳокама қилиш фойдадан холи бўлмаслигини эътироф этдилар.

Миркарим МИРСОВУРОВ

ОНА ЎҒЛИНИ СУДГА БЕРМОҚЧИ...

БУНДАН АСЛО АЖАБЛАНМАНГ. БАЪЗАН ПИЧОҚ СУЯККА БОРИБ ҚАДАЛГАНДА, ОНАЛАР АНА ШУНДАЙ ҚАЛТИС ЙЎЛ ТУТИШГА МАЖБУР БЎЛАДИЛАР

Маҳалламизда ёш бир оила бор. Ҳар-ҳар замонда уларникига узоқ қишлоқдан келиннинг онаси — Турсуной момо меҳмон бўлиб келади. Кўпинча неваралари билан эшик олдидаги супага чиқиб ўтиради. Уни кўриб, менинг ҳавасим келарди. «Ҳарқалай, момо ўз келинидан ёлчиган кўринади. Шу боис уй-жойини ҳафтаю ойлаб ташлаб, куёвиникида бемалол юради», деб ўйлардим.

Бир куни рафиқам Турсуной момо мени йўқлатаётганини айтиб қолди. «Нима юмушлари бор экан?», деб сўрагандим, рафиқам: «Ариза ёздирмоқчилар шекилли», дея тусмол аралаш гап қилди.

Менга дастлаб хонадон соҳиби Толибжон пешвоз чиқди. Сўнг рафиқаси Сабоҳат сўрига жой қилди.

— Ариза ёздирмоқчи экансиз, — дедим онахонга.

Шунда момонинг кўзларидан ёш қуйилди. Бу ёшлар онанинг юзларини, ҳасратли сўзлари эса менинг момонинг бахтли ҳаёти ҳақидаги хом тасаввурларимни ювa бошлади.

Турсуной момо билан раҳматли эри бир ўғил, икки қизни вояга етказишди. Улар ўғиллари Содиқни ҳаддан зиёд эрка қилиб ўстиришди. Қассоблик билан тирикчилик ўтказувчи ота ўғлининг оғзидан чиққанини муҳайё қилишга ўрганганди. Вояга етгач, Содиқни қишлоқнинг энг сара қизига уйлантиришди. Аммо тўйнинг эртаси куни эрка ўғил келинни ҳайдаб солди. Сабабини изоҳлаб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак.

Орадан бир оз ўтиб, бошқа бир келин туширишди. Иккинчи тўй ҳам аввалгисидай дабдабали ўтди. Бу келин билан қурилган турмуш анча вақтгача тинч ўтди. Улар икки қиз ва бир ўғил кўришди. Ўғилнинг туғилиши оила учун байрам бўлиши, тотувликни янада мустаҳкамлаши керак эди. Бироқ акси бўлиб чиқди. Содиқ ота касбини тутиб, қассоблик қилар, Тошкент бозорларига гўшт олиб бориб сотарди. Шу асно ароққа ружу қўйди. Ичиб келиб, тўполон қиладиган, хотинини аёвсиз урадиган одат чиқарди. Қарс икки қўлдан деганларидек, келин ҳам оиладан тополмаганини четдан ахтарадиганлар хилидан экан. Бундан хабар топган Содиқ охири хотинини хиёнат устида ушлади. Суд фарзандларни отага ажрим қилиб берди. Турсуной момо уч неварасинг энагасига айланди.

Саккиз йиллик бевазанлик кезлари Содиқ кўплаб беволарга одам қўйдирди. Лекин унинг оилавий шароити, аввалги оиласидан қолган уч фарзанди, ароқхўрлиги таъриф туфайли совчиликлар натижасиз тугади. Ахийри қўшни тумандан бир бевонинг розилигини олишди. Унинг турмушидан ўн тўрт ёшли қизи ҳам бор экан. «Майли, — деди Содиқ, — уни ўз қизим қатори кўраман».

Афсуски, ўгай она келгач, Турсуной момонинг ва уч неварасинг тинч ҳаёти пароканда-даликка учради. Содиқ кўчадан келгунча осойишталик ҳукм сурадиган хонадонда уриш-сўкишлар авжига чиқадиган, муштипар она ҳар куни сиқувга олинадиган, уч невара тарсаки ейдиган бўлиб қолди.

Момо жанжал чиққанида аввал ўз уйига қочиб кириб яширинарди. Бироқ ўғли бостириб кириб, ўша жойда ҳам уни уришга одатланди. Она кўчага, қўни-қўшниларникига қочадиган, ҳафталаб қўшниникида яшайдиган бўлди. Томирдошлар тартибга чақиришса. нобакор ўғил мулойимлашиб, тавба-тазарру қилар, иккинчи бундай қилмасликка қайта-қайта қасам ичарди. Лекин она уйга қайтгач, бир ҳафта ўтар-ўтмас, яна аввалги можаролар такрорланарди. Бора-бора уч фарзанд ҳам ароқхўр отанинг ғазабига дучор бўлдилар. Уларнинг аҳволини кўриб, Турсуной момонинг юраги тутдай тўкиларди. Айниқса, бўйи етган тўнғич неварасининг тақдирига ачинарди. Унинг юз-кўзлари кўкариб мактабга, кўча-кўйга чиқа олмай қолганидан изтиробга тушарди. Отанинг хуружлари босилавермагач, момо неварасини ўн-ўн беш кунга қизиникига — Бекободга юборди. Бу ўгай онанинг нафратига нафрат, ғазабига ғазаб қўшди. У эл орасида хунук гап тарқатди: 16 ёшли қиз аммасиникига борганда гумонасини олдириб қайтганмиш.

Бу миш-мишлардан огоҳ топган қиз туҳматга чидай олмади. Саккиз йил бурун ташлаб кетган ва ҳозир бошқа биров билан турмуш қурган туққан онасиникига қочиб кетди. Унинг ортидан синглиси билан укаси ҳам эргашди. Содиқ бунинг учун ўзини ёки хотинини эмас, онасини айбдор деб топди, аламини муштипар аёлдан ола бошлади.

— Наҳотки сизнинг арз-додингизга қулоқ соладиган одам топилмаган бўлса? — дедим онахон ҳикоясини тугатгач.

— Очиғи, аввалига ўз ўғлим устидан арзгўйлик қилишдан уялдим. Бош ёрилса, дўппи остида, дейишади-ку. Кейин-кейин участка нозирига, қишлоқ раҳбарларига мурожаат қилдим. Аммо улар текинга калла-пойча,ичак-қорин олиб юрган эканларми, ўғлимга ғиринг дейишмади, қайтага ўзимни айблашди.

Ана, сизга манфаат! Ана, сизга нафс балосию тили қисиқлик жафоси!

Мен Турсуной момонинг ҳаётини таҳлил қилардим,у эса ҳикоясини давом эттирарди:

— Тунов куни уч неварамнинг онаси келиб кетди. Унинг ҳам ўзига яраша дарди бор экан. Янги эри, икки боласи билан бировникида тураркан. Уч неварам бориб қўшилгач, менинг номимдаги уй-жойни кенжа неварамга хатлаб беришни сўраб келибди. Аммо мен нима қилай, ўз уйимга ўзим сиғмаяпман-ку!

Турсуной момо ҳозир ҳам қизиникида. Яқинда у ўз ўғлини судга бермоқчи. Унга ҳар ким ҳар хил йўл-йўриқлар кўрсатяпти. «Уй сизники, — демоқда баъзилар. — Бу ҳовлидан сизнинг тинч ҳаётингизга чанг солувчи фарзанд чиқиб кетиши керак». Бошқа бировлар эса: «Уй-жойда ўғил ва қизларнинг ҳам ҳақи бор, бу ҳақда яхшилаб ўйлаб кўринг», — дейишмоқда.

Она-болалик меҳр-оқибатларидан ортиб, судгача борадиган бу ишга ҳамма ҳам қозилик қилавериши маъқул эмас. Бировни айбламанг, ўзингиз ҳам айбланмагайсиз, деган гап бежиз айтилмаган. Турсуной момонинг сабр косаси тўлган. Қариганда куёвига кўнг қолганининг ўзи унинг учун ўлим билан баробар. Ноқобил ўғилга унинг қону қариндошларидан орттириб нима ҳам дея олардик. Қулоғи, кўнгли ишрату майпарастлик, мол-дунё ташвиши билан муҳрланган кимсага олий туйғулар ҳақидаги ваъз кор қилармикин:

Не бўлди, дўст,
юзингдан одам
авзойи кетди?!
Эзгу ҳислар
дилингдан бўлиб
сазойи кетди.
Онанг айтган аллаю
уйқусиз ўтган тунлар
Оқ ювиб, оқ
тарашлар, наҳотки,
зое кетди.

Оллоёр БЕГАЛИЕВ

Ҳаёт, одоб ва одам

Она қишлоғимдаги ўша жаннатсифат ҳовли болалик тасаввуримга бир умр муҳрланиб қолган. Ёзу қиш анвойи мевалар иси келиб турадиган катта чорбоғнинг этаги узумзор эди. Ундан сўнг анжирзор бошланарди. Ҳовлининг офтобрўй томонида томорқа экинлари баравж ўсиб ётар, у гулзорга туташиб кетганди. Гулзорнинг ярмидан кўпига нозбўй (райҳон) экилган, қолган қисмида очилиб ётган гуллар бўйи бир-бирига қоришиб, кишини сармаст қиларди.

Бешала қизи ҳам эгали бўлиб, ўз-ўзларидан тиниб-тинчиган, кенжа ўғли уч йиллик саллотликка кетиб ёлғизланиб қолган энам шу ҳовлида яшарди. Биз, набиралар эртаю кеч шу ҳовлида ўралашиб, гоҳ энамнинг юмушларига бироз қарашиб, кўпинча дарахтма-дарахт сакрашиб, ўйин билан оворайдик. Шўхлик қилсак, энам бизни беозоргина қойир, сўнг ёнларига чақириб: «Бу ҳовлининг эгаси ўзинглар-ку, бой бўлгурлар. Ҳадеб тўполон қилавермасдан мева-чевага келган қушларни ҳайдасанглар, ёзу қиш туршагу жийда еб маза қиласизлар», — дерди.

Тўнғич набира бўлганим учунми, энам мени кўпда аяр, қўли ишдан бўшаши билан чақириб, солдат тоғамдан келган хатларни қайта-қайта ўқитарди. Баъзан биргалашиб армияга хатлар ҳам ёзардик. Ҳар куни кечқурун ҳовлидаги чорпояга жой қилиш, атрофини супуриб-сидириш, сув сепиб салқинлатиш ҳам менинг зиммамда эди. Энам мени келиштириб мақтаб, сўнг енгларини шимариб, ҳафсала билан келида оқжўхори туярди. Катта қозонда гўжа қайнар, ўчоқда олов чарсиллар, энам эса секингина хиргойисини бошларди:

Оқ сандиқни очайин, ҳай ёра,
Оқ чорсимни ўрайин, ҳай ёра,
Сенга келган балога, ҳай ёра,
Балогардон бўлайин, ҳай ёра...

Гўжа пишгач, энам уни шопириб, сўнг устини ёпиб қўярди. Бироз вақт ўтиб, қўшни аёллар бирин-сирин кириб келишарди. Чорпояда суҳбат обдон қизирди. Бу давранинг бош ҳаками албатта энам бўларди! У ўғил уйлаш ё қиз чиқариш тараддудида юрган аёлларга маслаҳатлар берар, йўл-йўриқлар кўрсатар, баъзан ривоятлар айтар, гап орасида бошидан кечган қизиқ ҳангомалардан ҳам сўйларди. Энамнинг айтганлари шу даврада ўтирган кимнингдир дил жароҳатига малҳам босар, кимнидир қийнаб юрган мушкул оғриқлардан қутқарар, кимгадир яхшигина сабоқ бўларди. Шундай ривоят ва ҳангомалардан айримлари ёдимда сақланиб қолган.

МЕНИНГ ДОНИШМАНД ЭНАМ

ОҒИЗДАГИ «ТОШ»

Гоҳо давра ўрталаб қолганда қўшнимиз Ҳазия хола енг учлари билан кўзларини артиб-артиб қўяр, энам эса буни ички сезгирлик билан пайқаб, дарров гапини тўхтатарди. Сўнг ярим ҳамдардлик билан холани қойиган бўларди:

— Ҳалиям ўша гапми, Ҳазиябону? Ичмайдиган, сўкмайдиган эркак борми, ўргулай. Аллоҳдан инсоф сўраб, оғир бўлинг...

— Қийналиб кетдим. Жавобимни беринг, кетаман, дедим кеча...

Ҳазия хола юзларини бекитиб йиғлаб юборади.

— Ҳай-ҳай, яхши сўзгаям, ёмон сўзгаям фаришта омин дейди-я, бекор қипсиз. Оғзингизга тош солинг, ҳали ҳаммаси яхши бўлиб кетади, девдим-ку, сизга.

Ҳазия хола энамнинг гапларидан енгил тортгандек, кўз ёшларини артиб, пиёласидаги чойни симиради.

Аёллардан бири кулимсираб, ҳазил аралаш энамни саволга тутади:

— Ҳаммавақт оғизга тош солинглар деб маслаҳат берасиз, буни сиз ўзингизда синаб кўрганмисиз?!

— Машойихлар айтиб кетган ҳар гап не-не синовлардан ўтган, болам, — дейди энам. — Эшитинглар, мен бир воқеа айтиб берай. Қадимда бир эр-хотин бўлиб, доимо бир-бирлари билан урушгани-урушган экан. Эр у деса, хотин бу деб, катта жанжал бошланар, уйда неки бор, ҳаммаси синар, сўнг чарчаган эру хотин дуч келган жойда ухлаб қолишаркан. Тонг отгач, бу ҳол яна такрорланаркан. Бир куни нимадир бўлиб, хотин ўзини ойнакка солиб қараса, кўзгудан сочлари пахмайган, кўзлари чақчайган, бадбашара бир аёл қараб турганмиш. Аёл ғамга ботибди. «Мана, жанжалнинг оқибати, — деб ўйлабди у. — Бирор чорасини топмасам бўлмайди, шекилли...»

Ўйлаб-ўйлаб, у донишманд ҳузурига борибди. Аёлга раҳми келган мўйсафид унга бир тошча олиб узатибди:

— Буни эрингиз келиши билан тилингиз тагига ташлаб олинг, ҳар қандай шароитда ҳам оғзингизни очманг, шунда мўъжиза юз беради.

Хотин тошни олибди, уйга етиши билан оғзига солибди. Жанжалга ўрганган эр жазаваси тутиб бақирибди, ҳар нарсани улоқтирибди, сўкинибди, бироқ хотини миқ этмабди. Эр ҳайрон бўлибди, «Хотинимга ақл кирибди-да», деб жанжални бас қилибди. Дарҳол ўзини тузатибди, соч-соқолини қиртишлаб, синиқ буюмларни бутлабди. Аёл ҳам пардоз-андоз қилиб чиройли бўлибди. Етти кунни шундай ўтказишибди. Сўнг аёл яна донишманд ҳузурига йўл олибди. «Сизнинг айтганларингизни қилдим, лекин ҳеч бир мўъжиза юз бермади-ку», — деди у. Шунда донишманд ундаги ўзгаришларни пайқаб севинибди ва дебди:

— Бир ҳафталик осойиш кунлар сенга ҳам, эрингга ҳам чирой бахш этиб, рўзғорга барака кириб, уйларингга аҳиллик қайтди, ахир мўъжиза эмасми, бу...

Аёл донишмандга таъзим қилибди-да, ортига қайтибди. Уйга бориб, овқат тайёрлаб эрини кутибди. Эру хотин шундан сўнг узоқ йиллар аҳилу иноқ яшабдилар.

...Ҳазия хола энамнинг ўгитларига амал қилиб, кам бўлмади. Эри кўп ўтмай, ичишни ташлади. Қишлоқнинг тўй-маъракасига аралашиб, ўзини ўнглаб олди. Иккалови апоқ-чапоқ бўлиб, ўғил уйлаб, қиз чиқаришди. Олди-орқаси тўла невара-чеваралари бор уларнинг бу кун. Мени кўриб қолса, дарров энамни эслаб, «Гўрлари нурга тўлсин», дея пичирлайди, ҳовучига дуо ўқиб, юзларига тортади...

ЭРКА ҚИЗНИНГ ҚУЙИЛИШИ

Онам мен ва сингилларимни уй юмушидан аяб, кўпинча ўзлари елиб-югуриб кетаверардилар. Шунда энам астойдил қойинарди:

— Ҳай-ҳай, қиз болани аяб не қиласан, киши боласи меҳнатдан ўлмаган. Чаққону меҳнаткаш бўлса, сўнг ўзига яхши. Кўчадан биров кириб келсаю, қиз деган ўрнидан дик этиб турмаса, одоб билан салом бериб, кўрпача ёзмаса, бу не гап? Қизнинг қандайлигини унинг фазилатлари белгилайди.

Шундан сўнг энам бизга бир ривоятни айтиб берарди. Эмишки, қадимда бир киши ўғлини ақлли-уддубурро қизга уйлантирмоқчи бўпти. Келин ахтариб йўлга тушибди. Қизи бор ҳовлилардан бирига кириб, уй эгасидан сўрабди:

— Қизинг уй юмушларини қандай бажаради?

— Мен нимаики буюрсам, зумда адо этади, — дебди у киши. — Қизим чаққонгина.

Иккинчи киши ҳам: «Қизим гапимни икки қилмайди, нени айтсам, «Ҳўп, отажон» деб югуриб кетади», —дебди. Учинчи киши эса: «Мен қизимга уни қил, буни қил деб ўтирмайман, ишни ўзи билиб қилаверади», — дебди. Ҳалиги одам шу кишининг қизини келинликка танлабди...

Бир куни кечқурун энам билан чорпояда ёлғиз қолдик. Шунда мен сўрадим:

— Эна, сиз ёшлигингиздa қанақа бўлгансиз?

— Эсимда йўғ-а, — деб кулдилар энам. — Сенга бўлган бир воқеани айтиб бераман, эшит. Бир қиз бор эди, у хонадоннинг еттинчи қизи бўлиб, жуда эрка ва тантиқ ўсди. Сабаби, шу қиздан сўнг ўғил туғилган, ота-онаси: «Ўғилга йўл очган қизим, қадами қутлуғ қизим», деб бошқаларидан бошқачароқ суярди, опаларига чертгани қўймасди. Шу учун ҳам у қизнинг инжиқлиги кун сайин ошди, оқибатда ҳеч иш қилмай қўйди. Бир куни қалин қор ёғди, қизларнинг бариси қўлига биттадан курак олиб ҳовлию томлардаги қорларни курашга тушишди. Шунда она: «Бориб опаларингга озгина қарашгин, жон қизим», — деди. Қиз эса: «Тухум қовуриб беринг, сўнг бориб қарашсам-қарашарман», — деди. Она товага тухум чақиб, қовуриб берди, қиз уни еб, чой ичди, сўнг ҳамманинг кўзини шамғалат қилиб кўчага чиқиб кетди...

Вақти келиб шу эрка қиз ҳам узатилди. Тушган жойида ўн тўрт жон яшарди, ҳаммаси бир қозондан овқат ерди. Хонадондаги катта овсинлар: «Янги келиннинг чойини ичайлик, янги келиннинг қўлидан овқат ейлик», — деб писанда қилаверишиб, келинни обдон синамоқчи бўлардилар. Келинчак бир гал овқатни шўр қилиб қўйиб, қайнонадан аччиқкина гап эшитди. Бошқа сафар нонни тандирдан оқди, овсинлари устидан кулишди. Сигир соғаётиб сутли челакни ағдариб, яна бир қизарди.

Келин қарасаки, ҳадемай шармисор бўладиган. Бошқача йўл тутди. Овсинидан тортиб унинг йўргакдаги боласигача сизлаб, қайнонасини мақтаб, иззатини жойига қўйиб, барча рўзғор ишларини ўрганиб олди. Енг шимариб, югуриб-елиб иш қилаверди. Ахир «Иш билмасанг, гап бил» деган нақл ҳам бор-ку. Ширинсўзликда ҳам хосият катта экан. Хуллас, бу келин тезда ҳамманинг олқишини олди, мақтовли келин бўлди. Қайнонаси умрининг охирига довур алқаб-алқаб ўтди...

— Ўша келин мен эдим, — дедилар бир пайт энам. — Эрка эдим, қуйилдим. Шунгача қийналганданқийналдим. Шу учун ҳам сизларни меҳнатга ўрганинглар, деб қойийман-да, баъзан...

* * *

Баъзилар бор, мушкул аҳволга тушсанг, четда томошабин бўлишади. Ҳатто ён қўшниси хасталанса, чиқиб ҳол сўрамоққа ярамайди. Кимдир маслаҳат сўраса, тил учидагина йўл кўрсатади, бировнинг оғриғини ўзига юқтирмайди. Менинг энам эса бошқача эди. Ҳамманинг ҳожатини чиқариб, кўнглидан дардини аритиб, юкига елка тутмоқни ўзига ор билмасди. Бировнинг дардини эшитса, аввал ўзининг юрагидан ўтказар, агар кўлидан келмаса, тили билан, яхши сўзи билан мадад берарди. Ҳар кишининг олдида ўзини бурчли санарди, гўё ўзгаларга яхшилик қилмоқ учунгина дунёга келган эди у.

Шундайин донишманд аёл эди менинг энам...

Гулчехра ЖАМИЛОВА

ИБРАТЛИ ҲИКОЯТ

Пайғамбаримиз Муҳаммад а. с. бир йиғинда амри маъруфдан сўнг қуйидаги ибратли ҳикояни нақл қилдилар.

Бани Исроил қавми орасида уч киши яшар эди. Бири пес, иккинчиси кал, учинчиси кўр эди. Бу ногирон кимсалар касалликлари туфайли халққа аралашиб юролмас эдилар. Худо бу бандаларини синаш учун бир фаришстани одам сувратида юборди. Фаришта аввал песнинг олдига келиб савол берди: «Сенга энг яхши нарса нима?» Пес жавоб берди: «Менинг пўстим ўзгариб, песдан тузалиб одамлар орасида юрсам». Фаришта песнинг баданига қўл тегизиб силади. Пес дарҳол тузалиб, ранги соғ одамга ўхшади. Фаришта яна савол қилди: «Ҳайвонлар орасида қайси бирини яхши кўрасан?» Пес айтди: «Туяни хуш кўраман». Фаришта унга бир ҳомиладор туяни келтириб берди.

Фаришта энди кал ҳузурига келиб савол берди: «Сенга ҳамма нарсадан яхшироқ нима?» Кал айтди: «Каллигим туфайли халқ орасида юра олмайман. Бошимда соч ўсса эди». Фаришта калнинг бошини силаган эди, бошида чиройли соч пайдо бўлди. Фаришта яна савол берди: «Сен қайси ҳайвонни яхши кўрасан?» «Мен сигирни яхши кўраман», — жавоб берди кал. Фаришта калга бир ҳомиладор сигирни келтириб берди.

Фаришта кўрнинг олдига бориб савол қилди. Кўр: «Икки кўзим очилиб, одамларни кўрсам, халққа хизмат қилсам деб умид қиламан», — деди. Фаришта кўрнинг кўзини силаган эди, кўзи очилди. Кўр хурсанд бўлганидан табибни (фаришстани) дуо қилди. Фаришта яна савол берди: «Сиз қайси ҳайвонни яхши кўрасиз?» Кўр «қўйни яхши кўраман», — деб жавоб берди. Фаришта битта ҳомиладор қўй келтириб берди. Кўр табибни йиғлаб туриб дуо қилди.

Бу ногиронлар молларни кўпайтириб, халқ орасида ҳурматга сазовор бўлдилар. Бир қанча вақтдан сўнг Аллоҳ ўша фаришстага амр қилди: «Сен табиб бўлиб тузатган беморлар ёнига бориб улардан пул беришларини илтимос қилиб ёрдам сўра!». Фаришта яна табиб сувратида песнинг ёнига келди. «Мени таниялсанми? Сени пес касалидан Оллоҳнинг амри билан тузатган ва туя олиб келиб берган кимса менман. Мен сафарга чиқиб эдим. Яна юришим учун овқатим етмай қолди. Менга ёрдам берсанг», — деди. Пес айтди: «Йўқ-йўқ, хасталигимни тузатиб, мол берган сен эмассан, сенинг худойинг эмас. Бу моллар ота-бобомдан қолган меросдир. Мен сенга бирор нарса беролмайман». Фаришта дуо қилди: «Эй, Аллоҳ! Бу песни олдинги ҳолига қайтар!».

Фаришта кал олдига келди. «Мени таниялсанми? Худонинг амри билан сенинг бошингда соч ўстирган эдим. Мен сафарга чиқиб эдим. Ўз ватанимга етиб олиш учун йўл харажатига бироз ёрдам берсанг», — деди. Кал ҳам песга ўхшаб жавоб берди. Фаришта: «Сени ҳам Аллоҳ олдинги ҳолатингга қайтарсин!», — деб дуо қилди.

Фаришта кўрнинг олдига бориб: «Мен ватанимга ета олмаётган мусофирман. Йўл харажатлари учун ёрдам берсанг. Ўз Ватанимга етиб олсам»,— деди. Кўр (кўзи очилган) деди: «Эй, мусофир! Менинг икки кўзим кўр эди. Мана, сенинг дуойинг туфайли кўзим очилди. Аллоҳга шукрки, берган битта қўйинг юздан ошиб кетди. Мана шу қўйлардан хоҳлаганингча ол!». Фаришта айтди: «Молларинг ўзингга буюрсин!» Мени Аллоҳ юборган эди, бу бандаларни синаб кўр, қайси бири Аллоҳни таниб, яхшиликни билар экан деб». Фаришстанинг дуоси билан кўр яна тани сиҳат бўлиб бой бўлиб кетибди.

Пес билан кал эса ўз ҳолларига қайтиб, собиқ касалларига дучор бўлибдилар ва хор-зор бўлиб дунёдан кўз юмибдилар. Худо берган сиҳат-саломатлик қадрига етмаган, яхшиликка ёмонлик қилганлар мана шундай хор-зор бўладилар. Аллоҳ берган сиҳатлик қадрига етган кимса бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам иззат-ҳурматда бўлур.

Мадинада чоп этилган арабча «Риёзатин солиҳийн» китобидан кўчириб, нашрга тайёрловчи:

Абдупаттоҳ ҳожи НАБИХЎЖА ўғли

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ
O'ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI
1997 Йил

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона телефони— 133-52-91
* * *
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир — Камол ОЛЛОЁРОВ

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 24. Буюртма Г. — 0637. Ҳажми — 3 босма табоқ. Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Индекс 64593. 1 2 3 4 5 6